

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма хуқуқида*  
**УДК: 338.24:6П9(575.1)**

**Роҳаталиев Махкамжон Иномжон ўғли**

**Тўқимачилик корхоналарини операцион менежмент усуллари асосида  
ривожлантириш**

(“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамият мисолида)]

**5A230201 – Менежмент (реал сектор)**

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар: Ходжамуратова Г.Ю.**

**Тошкент – 2018**

Ушбу диссертация ишида тўқимачилик корхоналарини операцион менежмент усуслари асосида ривожлантириш жихатлари тадқиқ этилди. Тадқиқот обьекти бўлган “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятини операцион менежмент усуслари асосида ривожлантириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

In this dissertation work were investigated the aspects of textile companies' operational management methods. The scientifically-practical recommendations were proposed for the development Limited Liability Company "Stimul-biznes" based on the method of operational management.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки  
ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ - сонли баённома «\_\_\_\_\_» 201\_\_\_\_й.

Кафедра мудири Н.Қ.Йўлдошев

\_\_\_\_\_  
имзо сана

Илмий раҳбар: Г.Ю. Ходжамуратова

\_\_\_\_\_  
имзо сана

Такризчи: М.Ғ.Умарходжаева

\_\_\_\_\_  
имзо сана

Магистрант: М.И. Рохаталиев

\_\_\_\_\_  
имзо сана

## **Кириш**

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарбилиги.**

Ўзбекистон Республикаси саноатининг устувор тармоқларидан ҳисобланган тўқимачилик соҳаси ялпи ички маҳсулот таркибида маҳаллий ишлаб чиқариш ҳиссасини оширишга хизмат қилувчи муҳим йўналиш сифатида тобора юқори аҳамият касб этиб бормоқда.

Тўқимачилик корхоналарининг янги товарларни ўзлаштириш, уларнинг сифатини, ички бозорда рақобатбардошлигини ошириш, операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясида учинчи йўналиш “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да “Принципial жихатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” деб белгилаб берилган<sup>1</sup>.

Бугунги кунда тўқимачилик саноати корхоналари олдида турган вазифалардан бири ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш, корхонанинг молиявий ва иқтисодий барқарорлигини ошириш хамда рақобатбардошлигини таъминлашдир.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноати жадал суръатлар билан ривожланаётган тармоқ ҳисобланади. Тармоқ ривожланишига аввало, маҳаллий хом ашё базаси мавжудлиги замин бўлмоқда. Қолаверса, тўқимачилик саноати қўп меҳнат талаб қилиши боис унга қўпроқ ишчи қучи жалб этилиши аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ортиқча ишчи кучини ишга жойлаштириш имконини беради. Юқори қўшимча қийматга эга бўлган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 2017 йил 7 февраль. //Халқ сўзи.- 2017.- №28. 8 февраль. 16.

маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган юқори технологияларга асосланган тўқимачилик корхоналарини операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиш асосида ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев: “Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қатор қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва улар изчил амалга оширилмоқда”<sup>2</sup> – деб таъкидлаб ўтдилар.

Тўқимачилик корхоналарининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан замонавий технологиялар билан жиҳозлашиш даражасига боғлиқdir. Ушбу жараённи амалга ошириш ишлаб чиқаришда ресурлардан оқилона ва самарали фойдаланишга, маҳсулот сифатининг яхшиланишга, рақобатбардошлиқ даражасининг ошишига олиб келади. Бу операцион жараёнларнинг тўқимачилик корхоналарида муваффакиятли амалга оширилишини таъминлашда операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиш талаб қилинади. Корхонани бошқаришда операцион менежмент усуллари воситасида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда, юқори натижаларга эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларга таъсир этилади.

Мамлакатимизда тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган фаол сиёsat юритилмоқда. Бироқ тармоқда айрим муаммолар мавжуд. Улар пахта толасини қайта ишлаш етарли даражада чуқур эмаслиги билан ҳам, ишлаб чиқаришнинг якуний босқичи маҳсулотларининг рақобатбардошлиқ даражаси пастлиги билан ҳам боғлиқ. Ҳозирги кунда тўқимачилик корхоналари олдида турган асосий вазифалардан бири ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли ҳамда самарали фойдаланишни таъминлай оладиган операцион менежмент тизимини яратиш ва операцион менежмент

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь №258 (6922) З б.

усулларидан самарали фойдаланишдир. Шу нуқтаи назардан танланган мавзу долзарб мавзулардан саналади.

**Тадқиқот обьекти ва предметининг белгиланиши.** Тадқиқотнинг обьекти сифатида “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти олинди. Ўзбекистонда тўқимачилик корхоналарини операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи илмий **тадқиқотнинг предмети** ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади тўқимачилик корхоналарини операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш учун қўйидаги **вазифаларни** хал қилиш белгилаб олинди:

- тўқимачилик корхоналарини бошқаришда операцион менежмент усулларининг аҳамиятини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ва илмий хulosаларни шакллантириш;
- тўқимачилик корхоналарида операцион менежмент усулларидан фойдаланишнинг хориж тажрибасини ёритиб бериш;
- “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёнини баҳолашга қаратилган илмий хulosаларни шакллантириш;
- Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнларни оптималлаштириш ва уни операцион менежмент усуллари асосида ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Тадқиқотнинг асосий масаласи “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантиришдан иборат. Тадқиқотнинг асосий фаразлари шундан иборатки, корхона фаолияти

самарадорлигини оширишда операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиш юқори фойда олишига олиб келади.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Хорижлик иқтисодчи олимлар, жумладан B.Richard, Chase and Eric L. Prentis<sup>3</sup>, Р.Чейз, Н. Дж Эквилайн, Р.Якобс<sup>4</sup>, С.В. Ильдеминов<sup>5</sup>ларнинг илмий ишларида корхоналарни операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш илмий жиҳатдан тадқиқ этиш билан боғлиқ масалаларнинг назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда иқтисодчи олимлар М Шарифходжаев<sup>6</sup>, С.С.Гуломов<sup>7</sup> Н.Қ. Йўлдошев<sup>8</sup>, Д.Н.Рахимова<sup>9</sup>, Д.С.Қосимова<sup>10</sup>, М.Г.Умарходжаева<sup>11</sup>лар операцион менежментнинг назарий-услубий масалаларини тадқиқ қилинган.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосини Республика Президенти маъruzалари, Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув ва услубий адабиётлар, корхоналарни операцион менежмент усуллари асосида ривожлантиришга оид илмий ишлари ташкил қиласди. Магистрлик диссертация ишида иқтисодий ва молиявий таҳлил, таққослаш, гурӯхлаш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасида олинган илмий хуносалар, назарий ва амалий таклифлардан “Stimul biznes” МЧЖда операцион менежмент усулларидан самарали

---

<sup>3</sup> Richard B. Chase and Eric L. Prentis, "Operations Management: A Field Rediscovered", Journal of Management, October 2013, p. 351-366.

<sup>4</sup> Чейз Р., Эквилайн Н.Дж., Якобс Р. Производственный и операционный менеджмент. 10-е изд. Учебное пособие. М.: “Вильямс”, 2008.– 704 с.

<sup>5</sup> Ильдеминов С.В. Операционный менеджмент.-Учебник.М.ИНФРА-М 2009. – 233 с.

<sup>6</sup> Шарифходжаев М. Менежмент.Дарслик.Т.: Ўқитувчи, 2002.-464 б.

<sup>7</sup> Гуломов С.С. Менеджмент. Т.:Шарқ., 2005. - 215 б.

<sup>8</sup> Йўлдошев Н.Қ., Набоков В.И. “Менежмент назарияси”. Дарлик. Т.ТДИУ, 2013.-433 б.

<sup>9</sup> Рахимова Д.Н. . “Замонавий менежмент: назария ва амалиёт”. Дарслик. Т.:ДЖҚА, 2011 йил, 595 б.

<sup>10</sup> Қосимова Д.С. “Менежмент назарияси”. Дарслик Т.: ТДИУ, 2011-350 б.

<sup>11</sup> UmarhodjaevaM.G. OPERATSION MENEJMENT. Q`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Darslik. Toshkent- 2014. 402 б.

фойдаланиш ва уни ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга магистрлик диссертация ишининг назарий ва услубий ғоялари “Операцион менежмент”, “Стратегик бошқариш”, “Тизимли менежмент назарияси” фанларидан маъruzалар ўқишида, амалий машғулотлар ўтишда кенг қўлланилиши мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнларни оптималлаштириш ва уни операцион менежмент усуллари асосида ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Магистрлик диссертация иши кириш, учта боб, хulosса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, мавзу бўйича адабиётлар таҳлили, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тузилиши ёритилган.

Илмий ишнинг биринчи боби “Тўқимачилик корхоналарида операцион жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари” деб номланиб, унда тўқимачилик корхоналарини бошқаришда операцион менежмент усулларининг тавсифи ва аҳамияти илмий жиҳатдан очиб берилган ва боб бўйича қисқача хulosалар бериб ўтилган.

Иккинчи боби “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёнини баҳолаш” деб номланган. Унда “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятининг асосий молиявий - иқтисодий кўрсаткичлари, операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёни таҳлил қилинган ҳамда боб бўйича қисқача хulosалар бериб ўтилган.

Илмий ишнинг учинчи бобида корхона фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнларни оптималлаштириш ва операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш йўналишлари кўрсатиб берилган ҳамда боб бўйича қисқача хulosалар бериб ўтилган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида ишга якун ясалган ва “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш йўналишлари бўйича таклифлар ва тавсиялар берилган.

## **I боб. Тўқимачилик корхоналарида операцион жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари**

### **1.1. Тўқимачилик корхоналарини бошқаришда операцион менежмент усулларининг аҳамияти**

Ўзбекистон Республикаси саноатининг устувор тармоқларидан ҳисобланган тўқимачилик соҳаси ялпи ички маҳсулот таркибида маҳаллий ишлаб чиқариш ҳиссасини оширишга хизмат қилувчи муҳим йўналиш сифатида тобора юқори аҳамият касб этиб бормоқда.

Операцион менежмент усуллари тўқимачилик корхоналарини ривожлантиришга ва уни бошқаришга жиддий таъсир кўрсатади.

Операцион менежмент усуллари турли маъмурий ва ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш самарадорлигини таъминлайди ва мутахассислар, менежерларнинг келажакда ўсиши истиқболларини белгилаб беради.


Тўқимачилик корхоналарини бошқаришда операцион менежмент усулларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш орқали корхона бизнес тизимларини ишлаб чиқиш мумкин. Унинг асосида корхонанинг маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ҳар қандай бошқарув фаолиятининг ажralmas қисми ҳисобланади. У ҳар қандай операцияларни, аввало мижоз ва ташкилотлар учун таянч белгиларга эга барча операцияларни самарали ва оқилона бошқаришдан иборат.

Корхона фаолиятини самарали ривожлантиришда операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиш менежерларга, нафақат самарали ишлашда, шунингдек, ўз корхоналари фаолиятининг тамойилларини чуқурроқ тушунишда ҳам ёрдам беради.

Мамлакатимизда тўқимачилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган фаол сиёsat юритилмоқда. Бироқ тармоқда айrim муаммолар мавжуд. Улар пахта толасини қайта ишлаш етарли даражада чуқур эмаслиги билан ҳам, ишлаб чиқаришнинг якуний босқичи маҳсулотлари - матолар ва тикув маҳсулотларининг рақобатбардошлиқ даражаси пастлиги билан ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда республикада 7 мингга яқин корхона фаолият олиб бораётган юқори ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлган тўқимачилик тармоғи шакллантирилди. 1,4 миллион тонна ҳажмдаги пахта толасини ишлаб чиқариш қувватлари яратилди, шундан 60 фоизга яқинидан маҳаллий тўқимачилик корхоналарининг эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилмоқда<sup>12</sup>.

Корхона тузилмасининг умумий моделида операцион менежментнинг ўрни 1- расмда кўрсатилган:



**1 – расм. Корхона тузилмасининг умумий модельда операцион менежментнинг ўрни<sup>13</sup>**

Корхона тўлиқ харидорларга эга бўлгандағина рақобатбардош бўлиши, узоқ ва қисқа муддатларда максимал молиявий натижаларга эришиши мумкин. Ҳақиқий харидорларга эга бўлиш операцион менежментнинг асосий бизнес жараёнларида тўлиқ фаолиятга эришиш шароитидагина юз беради.

<sup>12</sup> www.UzA.Uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти

<sup>13</sup> Richard B. Chase and Eric L. Prentis, "Operations Management: A Field Rediscovered", Journal of Management, October 2017, p. 31.

Ниҳоят операцион менежментга түлиқ эришиш учун асосий бизнесжараёнларни ўқитиш ва инновацияларга эга бўлиш лозим.

Операцион менежментнинг асоси бўлиб бизнес-тизимларни (кириш ва чиқишлиарни ўзгартириш учун компания операцион ресурсларини қўлловчи тизимлар) бошқариш ҳисобланади<sup>14</sup>.


Операцион менежментда барча қарорлар қўйидаги босқичларга бўлиб кўриб чиқилади<sup>15</sup>:

1) стратегик, 2-5 йилга, жумладан, маҳсулот, хизматлар қай тарзда ишлаб чиқарилади, офис ва бўлинмаларни қаерга ва қандай жойлаштирган маъқул, қандай ишлаб чиқариш қувватлари зарур бўлади;

2) тактик, йил/чорак, жумладан, маҳсулот/хизматларни ишлаб чиқариш учун қанча миқдорда ишчилар керак бўлади, қандай вақтда уларга эҳтиёж туғилади, иш сменаси қандай бўлиши керак, материалларни етказиб бериш графиги қандай бўлиши керак, тайёр маҳсулот заҳираларини ташкил этиш керакми;

3) оператив, сменада/хафтада/ ойда, операцияларни режалаштириш ва уларни бошқариш билан боғлиқ масалалар. Уларнинг бажарилишига айнан ким жавобгар бўлади, уларнинг қайси бирини биринчи навбатда бажариш лозим.

Операцион заҳиралар 5П номини олган: 1) персонал; 2) корхона/бўлинма; 3) ярим тайёр маҳсулотлар ва материаллар; 4) жараёнлар; 5) режали ва бошқарув тизими (2 - расм).



## 2 - расм. Ишлаб чиқариш тизими, ўзгаришлар технологияси<sup>16</sup>

<sup>14</sup> Ильдеминов С.В. Операционный менеджмент.-Учебник. М. ИНФРА-М 2016. –13 с.

<sup>15</sup> Чейз Р., Эквилайн Н.Дж., Якобс Р. Производственный и операционный менеджмент. 10-е изд. Учебное пособие. М.: “Вильямс”, 2015.–144 с.

<sup>16</sup> Umarhodjaeva M.G. operatsion menejment. Q`zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. Darslik. Toshkent-2014. 12 б.

Кейинги йилларнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, ишлаб чиқариш корхоналари хизмат кўрсатиш корхоналарига айланиб кетмоқда. Корхона ичida ҳар қандай операция ўз харидорига эга, шунинг учун бундай операциялар асосий ва қўшимча операцияларга бўлинади.

Асосий операцияларга харидорга бойлик келтирадиган хизматлар (маҳсулот келтириш, хизмат кўрсатиш) киради, бу ерда қўйидаги критериялар зарур:

- сифат;
- эгилувчанлик;
- тезлик;
- нарх/ харажат


Қўшимча операция/хизматларга ташки харидор учун ҳаётни енгиллаштирувчи ёки ички харидорларга ўз иш/операцияларини самарали бажариш имконини берувчи хизматлар киради. Улар қўйидагилар:

- Ахборот нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлаш (масалан, HR савдо персоналини ўз маҳсулотининг техник параметрлари тўғрисилаги маълумотлар билан таъминлайди);
- Мижоз муаммоларининг эскириши (ВЭМЗ мижоз учун монтажни амалга оширади);
- Савдо - сотикни қўллаб - қувватлаш;
- Оператив техник хизмат.

Корхонани бошқаришда операцион менежмент усулларини характерлаш унинг йўналтирилганлик, мазмундорлик ва ташкилий шаклларини очиб беради. Бошқаришнинг йўналтирилганлик шакли бошқарувнинг бирор бир обьектига, масалан, корхонага, бўлинмага, ходимга қаратилганлиги билан изоҳланади. Мазмундорлик шакли бу усул ва йўлларнинг ҳаракат хусусиятини белгилайди. Ташкилий шакли эса аниқ бир мураккаб ҳолатдаги бевосита ёки билвосита ҳаракатдан иборат бўлади. Таҳлилларга кўра, бошқарув амалиётида турли операцион менежмент усулларни бир-бирига

монанд тарзда қўллаш тажрибаси мавжуд. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашларича, операцион менежмент усулларнинг бу шакллари бир-бирини тўлдирувчи моҳиятга эга.

Операцион менежментнинг эволюцияси (истикболдаги бошқарув имкониятлари) 3 - расмда кўрсатилган:



### 3 – расм. Операцион менежментнинг ривожланиши тарихи<sup>17</sup>

Операцион менежмент биринчи бор илмий бошқарув тамойиллари шаклида GM топ-менежерларидан бири, хронометраж, иш вақтининг фотографияси, меъёрий режалаштириш ва бошқа каби операцион менежмент усулларини таклиф этган Фредерик Тейлор томонидан ифодаланган\*.

Генри Форд биринчи бор ишлаб чиқаришга конвејер тизимини жорий қилиб (ишлаб чиқариш операцияларининг бажаришнинг паралел тури), шасси йигишнинг барча ишлаб чиқариш вақтини бир неча марта кисқартиришга эришди.

Мейо илк бор, асосий эътиборни ишлаб чиқариш операциялари (цехларда ишчи ўрнини ёритиш экспрементига киришда) ижро чиларига қаратиш муҳимлигини кўрсатган, Хоторндаги ижтимоий тадқиқотларга асос солди<sup>18</sup>.

<sup>17</sup> Чейз Р., Эквилайн Н.Дж., Якобс Р. Производственный и операционный менеджмент. 10-е изд. Учебное пособие. М.: “Вильямс”, 2015.–147 с.

<sup>18</sup> Ильдеминов С.В. Операционный менеджмент.-Учебник. М. ИНФРА-М 2016. –18 с.

Дуне миқёсидаги компанияларнинг ОМ тузилмасида операцион-қиймат таҳлили (Activity Based Costing) муҳим роль йўнайди.

ABC (операцион-қиймат таҳлили)нинг мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- Таянч операцияларни бажаришда (маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқаришда) уларнинг ўзаро таъсири ҳисоби билан ҳаражатларни хисоблаш;
- Компания ишининг ҳаражатларини камайтириш ва самарадорлигини ошириш;
- Ҳаражатларни самарали бошқариш;
- Операциялар ва бизнес жараёнлар таннархи ҳақида ахборотларни йиғиш/қўллаш;
- Бошқарув қарорларини қабул қилиш учун қўшимча (нафақат, бухгалтерлик/ миқдорий, шунингдек сифат) маълумотларни йиғиш ва улардан фойдаланиш.

Операцион-қиймат таҳлили – бу операциялар ва ҳаражатларнинг ташувчиларига асосланган ҳаражат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳисоблаш усущдир.

Операцион-қиймат таҳлили қўйидагиларни аниқлаш имконини беради:

- 1) операциялар қийматини, улар томонидан сарфланган ресурслардан келиб чиқиб;
- 2) ҳаражатларни ташувчилар қиймати, маҳсулотлар ва мижозлар томонидан қўлланилган операциялардан келиб чиқиб.
- 3) Ташувчиларнинг операция ҳаражатларига вақтинчалик муносабати.

Операцион-қиймат таҳлили:

- Бизнес-жараёнларнинг барча иштирокчилари учун тушунарли бўлган маълумотларни мужассамлаштиради;

- Кўшимча харажатларни фойдаланилган заҳиралар операцион ҳисобига мувофиқ тарзда тақсимлайди;
- Бизнес-жараёнларнинг таянч операцияларини аниқлайди (ишчилар, ускуналар);
- Операциялар томонидан заҳиралар истеъмоли даражасини, шунингдек, нима учун бу заҳиралар кўлланилаётганлиги сабабларини (товарлар/хизматлар/мижозлар) белгилайди;
- Олдин белгиланмаган харажатларни аниқлайди (турли хил тақсимот)

Операцион-қиймат таҳлили қўйидаги саволларга жавоб беради:

- 1) Харажатларнинг сабабчиси ким /нима;
- 2) Харажатлар қаерда пайдо бўлади;
- 3) Қандай операциялар (тури бўйича) ресурслардан фойдаланади ва қандай даражада;
- 4) Бизнес-жараёнларга харажатлар юзага келишининг қандай марказлари жалб қилинган ва улар қандай пропорцияда заҳиралардан фойдаланадилар.
- 5) Мижозлар(тури бўйича) қандай товарлар/хизматлар/заҳиралардан операциялар/харакатларнинг (фаолят) бажарилиши орқали фойдаланадилар ва қандай пропорцияда;
- 6) Бизнес-жараёнлар доирасида бажариладиган операцияларнинг меҳнат сифими қандай;
- 7) Бизнес-жараёнларнинг маош сифими қандай;
- 8) Асосий бизнес-жараёнларнинг таннахи қандай;
- 9) Асосий бизнес жараёнларда (даромадларнинг пайдо бўлиши марказида) таъминловчи бизнес-жараёнлар (харажатлар маркази) иштирокининг улуши қандай.

Операцион қиймат менежменти (Activity Based Management) – бошқарувни операция/харакат билан таъминловчи услуг бўлиб, унинг ҳисобига мижоз томонидан олинган баҳо пайдо бўлади ва қўтарилади ва (даромад) фойдалилик ҳисобига амалга оширилади ва қўтарилади.

**Операцион-қиймат менежменти қўйидагиларни таҳлил қилишни назарда тутади: харажатларни; операция/харакатлар ишлаб чиқарувчанликни.** У АВС дан ахборотларнинг асосий манбаси сифатида фойдаланади; харажатлар, бизнес-жараёнлар, товарлар/хизматлар/ мижозлар ва уларнинг натижалари ҳақида аниқ маълумотларни бошқариш тизимини таъминлайди.

Компания қиймати занжирини асосий звеноларга ажратиш йули Билан харажатларнинг кейинги таҳлилига, фаолият тури/операциялар бўйича харажатлар ҳақида маълумотлардаги ҳар бир бўлинма/бўлим/цех харажатлари трансформациясига ўтиш мумкин. Харажатларни деталлаштириш даражаси (операциялар нуқтаи назаридан) уларнинг иқтисодий мазмунига ва бу жараён таҳлил учун қанчалик зарурлигига боғлиқ. Турли иқтисодий мазмунга эга бўлган операциялар ва фаолият тури бўйича харажатларни, компания умумий харажатларида аҳамиятли ёки ўсуви улушни ташкил этувчи харажатларни баҳолаш мақсадга мувофиқ. Анъанавий бухгалтерлик ҳисобида харажатлар чиқим элементлари ва калькуляция моддалари бўйича тавсифланади. Корхонани бошқаришда операцион менежмент усуллари мураккаб масалаларни ечишга қаратилган: янги қувватларни оқилона қуриш билан бирга ишлаб чиқариш технологик тузилмасини босқичма-босқич тиклашни режалаштирган ҳолда «нима бор» ва «нима бўлиши керак» орасидаги балансни топиши лозим.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарни операцион менежмент усулларидан фойдаланиб бошқаришни амалга ошириш, корхонани самарали бошқариш тизимини шакллантириб, корхона олдига қўйилган мақсадларни амалга оширишни тезлаштиради.

## **1.2. Операцион менежмент усуллари тавсиғи**

Корхонани бошқаришда операцион менежмент турли усулларни бир-бирига монанд тарзда қўллаш тажрибаси мавжуд. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашларича, бошқарувнинг бу шакллари бир - бирини тўлдирувчи моҳиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда бошқарувни учта - тўғридан-тўғри кўрсатмага асосланган ташкилий-маъмурӣ, иқтисодий рағбатга боғланган иқтисодий ва ходимлар ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида татбиқ этиладиган ижтимоий-психологик усулларга бўлиш мумкин.

Операцион менежмент усулларини туркумлашга турлича ёндошувлар мавжуд. Аммо ҳар қандай инсон ёки жамоага фақатгина уларнинг манфаатларига мос келувчи таъсир чораларини қўллаш самарали ҳисобланади. Таъсир кўрсатиш мазмунига қўра бошқарувнинг ташкилий - фармойиш, иқтисодий ва ижтимоий - психологик усуллари мавжуд.

Ушбу усуллар ўзаро боғлиқдирлар ҳамда улардан комплекс тарзда фойдаланилади. Ташкилий усуллар иқтисодий усуллардан фойдаланиш учун асос яратсалар, ижтимоий - психологик усуллар ташкилий ва иқтисодий усулларни тўлдирган ҳолда корхона фаолиятини бошқаришнинг зарурий воситалар тўпламини яратадилар. Биз қуйида ушбу усулларни қўриб чиқамиз.

Ҳар бир тармоқ ва ҳар бир маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Лекин кўпгина мижозлар фақат бир нарсага интиладилар:

Мижозларни асосан сифат қизиқтиради, уларга сотиб олган нарсалари/хизматлари муаммоларини ҳал қилсин, истакларини бажарсин ваш у билан бирга уларга завқ бағишиласин.

Улар ўзларига яхши хизмат кўрсатишларини истайдилар, улар учун маҳсулот ва хизматлар ўз вақтида етиб келиши лозим.

Уларга эгилувчанлик керак, улар ўзларига керак бўлган товар ва хизматни олиш имконига эга бўлишни истайдилар.

Улар қийматга эга бўлишга интиладилар – улар товар орқали келадиган фойданинг истеъмол қийматини ошган нархда тўлашни исташмайди.

Мижоз фахри – бу бир мартада эришиладиган, кейин эса хотиржам дам олиш мумкин, дегани эмас. Ўз ён атрофида рақобатдошларнинг иссиқ тафтини ҳис қилган ҳолда халқаро даражадаги компания ўзининг мижозларни доимий ушлаб туриш қобилиятини узлуксиз такомиллаштириб бориши лозим.

Халқаро даражадаги компания узлуксиз такомиллашишига мажбур. Индивидуал ўзгаришлар айрим олганда камдек бўлиб кўриниши мумкин. **Toyota** каби Машхур япон компанияси ўзининг «кичик ютуқлари» билан<sup>1</sup> шухрат қозонган. Модомики, йиллар давомида йифилган кичик-кичик ижобий ўзгаришлар йирик афзалликларни юзага келтиради.

Халқаро даражадаги компанияларни афзаллиги нимада?

Улар мижозлари учун нима аҳамиятли бўлса, ўша нарсани яхшилайдилар: сифат, хизмат кўрсатиш, эгилувчанлик ва ҳаражатлар. Ва буни халқаро даражага кўтарила олмаётган компаниялардан бошқачароқ қилишга ҳаракат қиласилар. Тафовутлар бандай компанияларнинг барча операцияларида акс этади. Масалан, халқаро даражадаги компания аввал бошиданоқ ишлаб чиқиши ва тайёрлаш ишларини сифатли амалга оширадилар. Уларда хато қидирадиган назоратчилар гурухи тўдаси йўқ. Уларда яроқсиз маҳсулотни тўғирлайдиган бўлинмалар йўқ.

Рақобат ривожланишнинг замонавий босқичда компания самарадорлиги ҳақидаги ахборотлар қиймати ошди. Халқаро даражадаги компанияда ҳар ким ўз ишининг сифатига ўзи жавобгар бўлади. Бунга мисол тариқасида Италиядаги кластер тизимида ҳар бир корхона ўз иши бўйича ихтисослашади

ва сифатиү учун ўзи жавоб беради. Одатда кластер тизимида охирги босқичдаги ишларни бажарадиган, бошқа фирмалардан барча керакли бутловчи қисмларни сотиб оладиган ёки уларга турли ишлар бўйича буюртмалар берадиган корхона етакчилик қиласди ва бундай корхона лойихани ишлаб чикиш, мувофиқлаштириш билан шуғулланиши, сўнгги йиғиш ишларини бажариши ёки тайёр маҳсулотни сотиш билан машғул бўлиши мумкин ва буларга машина ишлаб чиқарувчи йирик компаниялари мисол була олади.

Бундан ташқари халқаро даражадаги компания истеъмолчи учун керак бўлган ишни бажаради ва улар буни узлуксиз равишда амалга оширадилар. Деталлар навбатдаги босқич учун аниқ харид қилинади ва тайёрланади. Қуйидагилар эса ортда қолади:

- Ўтган йилги йирик патиялар;
- ҳар бир станок ёки йиғиш марказлари ёнидаги детал заҳиралари;
- Харажатларни ошиши ва сифатни пасайишини олдини олиш учун ой охирида ёпирилиб ишлаш.

Халқаро даражадаги компанияда маҳсулотни ишлаб чиқиш билан инженерлар, ишлаб чиқарувчилар, маркетинг реклама ва таъминот бўйича мутахассислар гуруҳларини ўз ичига олувчи жамоа шуғулланади. Сифат, вазифалари реализацияси каби воситалар маҳсулот конструкциясидаги истеъмолчи хоҳишини таъминлайди.

Халқаро даражадаги компанияларнинг энг катта фарқи ходимлар билан боғлиқ. Персонални жалб қилиш – энг паст даражадаги корхонада қарор қабул қилиш учун масъулиятни ошириш - ҳар қандай истеъдодни уйғотади.

Натижада корхона ўзаро функционал алоқаларни енгиллаштирувчи ясси жараёнли тузилмага эга бўлади. Бу қоғозбозлик чегараларини қисқартиради.

Халқаро даражадаги компанияларда операциялар шундай бирлашганки, уни Dick Schonberger истеъмолчи занжири яратилди деб атаган.

Компаниянинг ҳар бир операциясининг ўз истеъмолчиси – жараённинг кейинги операцияси мавжуд. Ҳар бир операция ўз истеъмолчисига хизмат қилишга мўлжалланган. Шу тарзда занжир юзага келадики, унинг охирида сўнгги пул тўловчи истеъмолчи топилади.

### Самарадорлик ўлчови

Ўзгаришларни юзага келтирадиган рақобат ва суръатлар корхона ўз мақсадига эришишда қанчалик муваффақият қозонаётганлиги ҳақидаги ахборотларнинг мавжудлигини зарурат қилиб қўйди. Бундан ташқари, ахборот тизимлари технологияларининг ўзгариши ахборотлар қийматини камайтирди. Шу тарзда, керакли ахборотларни олиш осонлашди.

Халқаро даражадаги корхоналарда қўлланиладиган иш юритишнинг янги услублари фойдали ахборотлар турларини ҳам ўзгартиради. Бу муқаррар: мақсадларнинг ўзгариши уларга эришиш йўларини ҳам ўзгартирилди.

Бу барча ўзгаришлар таннархни аниқлаш тизимидағи халқаро даражадаги компаниялар учун намунали характеристикада акс этади.

Халқаро даражадаги компанияларда таннархни аниқлаш тизими қўйидагиларни амалга ошириши лозим:

- Истеъмолчи учун аҳамиятли бўлган нарсалар ҳақида ахборот бериши;
- Истеъмолчилар даромадлилигини ва улар томонидан харид қилинган маҳсулотларни ўлчаши;
- Жорий қилишда тежамли ва фойдаланишда оддий бўлиши;
- Истеъмолчига даромадли хизмат кўрсатишни қандай яхшилаш кераклиги ҳақидаги ахборотлар билан таъминлаши;
- Компаниянинг истеъмолчиларга даромадли хизмат кўрсатиш қобилиятини оширувчи фаолиятни рағбатлантириш.

Бу характеристикаларни батафсил кўриб чиқамиз.

Истеъмолчи учун нима аҳамиятли?

Халқаро даражадаги компаниялар характеристика тузиш истеъмолчи учун нима аҳамиятли эканлигини аниқлашдан бошланади. Махсулот ва хизматнинг сифати қанчалик зарур ҳамда истеъмолчи учун сифат нимани англатади? Турли маҳсулот ва хизматларни тез олиш имконияти қанчалик зарур. Сизнинг истеъмолчиларингиз учун нарх (натижада таннарх) катта аҳамиятга эгами?

Кейинги қадам сизнинг компаниянгиз ҳар бир бўлинмаси масалалари истеъмолчилар учун зарур қарорларда қандай улуш олиб киришини аниқлаш ҳисобланади. Масалан, халқаро даражадаги компания сифат назорат бўлими томнидан яратилмайди. У компаниянинг турли бўлинмалари қатор операцияларининг яхлит қўшма натижаси ҳисобланади. Турли операциялар буюртмаларига сарфланган вақтда жамланган буюртманинг бажарилган вақтини (характерланган эгилувчанлик) бошқа намуна сифатида келтириш мумкин.

Афсуски, таннархни аниқлашнинг анъанавий тизимлари истеъмолчи учун нима аҳамиятли эканлиги ҳақида кам маълумот беради. Сифат ва хизмат кўрсатиш каби омиллар уларнинг дикқат-эътиборидан четда қолади. Улар фақат молиявий ахборотларни бера оладилар. Номолиявий ахборотлар, масалан, ҳар бир операциянинг чиқариш қобилияти ва камчиликлари анъанавий тизим доирасига кирмайди. Бундан ташқари, анъанавий тизимлардаги молиявий ахборотлар қуйидаги сабабларга кўра чекланган:

Таннарх ҳақидаги маълумотлар, ижобий ҳолатларда, сифат ва вақт харажатларининг эгри характеристикиси ҳисобланади. Камчиликни тўғри аниқлаш ва бажарилиш вақтини белгилаш харажатлар билан боғлиқ кўпгина ўзгарувчанларга қараганда осон шарҳланади.

Операциялар таннархга тааллуқли ахборотларни бермайдилар. Натижада истеъмолчига хизмат кўрсатувчи ҳар бир операция нималарни

қамраб олиши номаълум бўлади. Таннархни аниқлашнинг анъанавий тизими харажатларни ойлик маош ва амортизация каби параметрлар, шунингдек, НИОКР ва маркетинг каби вазифалар ёрдамида характерлайди. Худди шундай ахборот ҳар бир вазифадан истеъмолчи қандай фойда олишини аниқлаш учун етарли даражада деталлаштирилмаган (бирдан бир неча вазифаларга тегишли).

Таннарх ҳақидаги ахборот одатда, анча кеч келади. Таннарх ҳақидаги ҳисоботлар ҳар ойда берилади. Товарларни тақсимлаш ой тугагандан кейин бир неча кун ўтгач амалга оширилади. Кейинги ойнинг ўрталарида тайёрланадиган ойлик ҳисобот ўртача ўтган 30 кунлик ахборотларда акс этади. Шуниси ажабланарлики, энди қандайдир корректиранган ходисалар янги излар бўйича бажарилиши мумкин бўлганда сезиларли даражада кам қабул қилинади.

### ***Харажатларни пасайтиришининг нотўғри ориентацияси.***

Мехнатнинг тўғри харажатлари базасидаги қўшимча харажатларни аниқлаш меҳнатнинг тўғри харажатлари жуда қиммат саналадиган заҳиралар эканлигини кўрсатади. Бу тўғри меҳнатнинг кичик харажатлари юзлаб фоизларни ташкил этадиган қўшимча харажатлар коэффициентига кўпайтирилиши билан тушунтирилади. Мехнат харажатларининг бундай юқорилиги конструктор ва ишалб чиқарувчиларни тўғри меҳнатни қисқартиришга хракат қилишларига мажбур қиласи. Бу билан улар жами таннархни пасайтирадилар, модомики, кейинчалик ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин.

Масалан, лойихачилар ишла чиқарилаётган маҳсулот конструкциясини унинг меҳнатига сарфланадиган ва у билан боғлиқ қўшимча харажатларни қисқартириш эвазига ўзгартиришлари мумкин. Машинасозлик заводида бу тез-тез фойдаланиладиган қўлда ўрнатилган деталларни автомат тартибда ўрнатилган деталлар билан алмаштириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Бундан ташқари, қўлда ўрнатилган деталлардан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар эндиликда бор, улар учун ҳеч қандай қўшимча заҳиралар шарт эмас. Янги деталлар қўшимча кучларни талаб қилган вақтда, деталнинг Янги рақамини қўллаб-кувватлашда қоситачи билан мижознинг ўзаро муносабати қандай. Шунинг учун табиийки, модификацияланган маҳсулотнинг қиймати пасайса ҳам, қўшимча ҳаражатлар ваш у билан бирга таннарх ҳам бутунлай ўсади.

### **1.3. Тўқимачилик корхоналарида операцион менежмент усулларидан фойдаланишнинг хориж тажрибаси**

Бозордаги ракобат шароитида тўқимачилик корхоналарининг муваффақияти барча бизнес жараёнларни доим яхшилаб боришга боғлиқки, бу иш самарадорлигини ошириш ва ҳар қандай йўқотишлар ва зарарларни максимал даражада камайтириш имконини беради.

Кайдзен – бу тежамкор ишлаб чиқариш фалсафаси бўлиб, жидий инвестицияларсиз ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ахборот оқимларини йўлга қўйиш, ишлаш жараёнини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга ёрдам беради<sup>19</sup>.

Кайдзен – бу кенг қамровли тушунча бўлиб, корхонанинг турли жиҳтларини, ундаги барча бизнес – жараёнларни яхшилаш ва сарф – ҳаражатларни минималлаштириш, шунингдек товарлар сифатини яхшилаш усулларини ўз ичига олади<sup>20</sup>.

Кайдзен – бу ишлаб чиқариш жараёнларини доимий равища яхшилаб боришга, кўмакчи бизнес-жараёнлар ва бошқарувни мақбуллаштириш ҳамда ходимлар ҳаётининг барча жиҳатларини такомиллаштиришга эътибор қаратувчи японча фалсафа ёки амалиёт<sup>21</sup>.

---

<sup>19</sup> Ильдеминов С.В. Операционный менеджмент.-Учебник. М. ИНФРА-М 2016. –125 с.

<sup>20</sup> Чейз Р., Эквилайн Н.Дж., Якобс Р. Производственный и операционный менеджмент. 10-е изд. Учебное пособие. М.: “Вильямс”, 2015.–153 с.

<sup>21</sup> Richard B. Chase and Eric L. Prentis, "Operations Management: A Field Rediscovered", Journal of Management, October 2017, p. 125.

Операцион-қиймат таҳлили асосидаги тамойиллар таннархнинг анъанавий ҳисоби асосини ташкил этувчи тамойиллардан фарқ қиласди. Анъанавий ҳисобда таннарх маҳсулот ҳисобланади. Операцион-қиймат таҳлили **операциялар таннархнинг сабабчиси ҳисобланишидан, омиллар эса уларни бажарилишидаги эҳтиёжни юзага келтиришидан келиб чиқади.**

Операцион-қиймат таҳлилиниң илк қадами – ABC – ахборотларидан түғри хулоса чиқаришдан иборат. Қандай маҳсулот ва мижозлар даромад келтирмайди? Маҳсулот турини ўзгартеришингиз шартми? Савдо бозори түғри танланганми? Маҳсулот конструкциясини ўзгартеришингиз керакми? Қўшимча харажатлар жуда юқори эмасми? Қийматни пасайтириш учун қандай имкониятлардан фойдаланишни назарда тутмоқдасиз?

Иккинчи қадам такомиллаштириш бўйича фаолият режасини ишлаб чиқишидан иборат. Бу режа сизнинг рақобатбардошлигинизни оширишга йўналтирилган аниқ фаолиятдан ташкил топиши керак (1.2.2-расм).

Халқаро даражадаги компания учун харажатлар ҳақидаги	Нима учун операцион-қиймат тизими фаолият кўрсатади
1.Истеъмолга йўналтирилганлик	Истеъмолчи учун нима аҳамиятли эканлиги ҳақидаги маълумотларни сизга керак вақтда бера олади
2. Даромадлилик манбаларини топиш	Мижозларнинг тўлов қобилияти ва маҳсулот қиймати ҳақидаги аниқ маълумотларни беради
3. Тежамкорлик	Характеристикаларда кераксиз ўзгаришларни талаб қиласди. Зарурат билан боғлиқ равишда чегаравий оддийлик ёки чегаравий мураккабликда фойдаланиш мумкин.
4. Такомиллаштириш йўлларини аниқлаш	Қиймат ҳақидаги ахборотларни ва такомиллаштиришни кучайтиришга йўналтирилган компания операциялари ҳақидаги номолиявий ахборотларни тақдим этади
5.Такомиллаштиришни рағбатлантириш	Операциялар самарадорлигини түғридан-түғри ўлчаш. Операцион омиллар такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш учун ёрдам беради. Ортиқча қувват муаммоларини ҳал қиласди.

### 1.2.2 – расм. Операцион-қиймат тизими афзалликлари

Масалан, А компания маҳсулот партиясига ишлов бериш операцияларини бажариш билан боғлиқ ортиқча харажатлар хажмидан зарар күрди. Бу харажатларни операцион-қиймат тизими яширган. Маҳсулотлар партиясига ишлов бериш операцияси ўзида узоқ муддат созланадиган ва деталларни ишлов бериш жойига ва ундан бошқа жойга күчириш каби кенг жараённи мужассамлаштиради. Бундай марказлашган ёндашув бу компанийнинг цехдаги ишлаб чиқаришида ноўрин бўлган; вақтни йўқотиш ва қўшимча операциялар билан боғлиқ харажатларнинг ўсиши жуда юқори бўлган.

Такомиллаштиришни рағбатлантириш. Операцион-қиймат таҳлили ўзлуксиз такомиллашувга мувофиқ келувчи «ишончли сигналларни юборади». Операциянинг натижавийлигини (сифат, вақт ва таннарх) тўғридан-тўғри ўлчаш операцияларни истеъмолчи учун зарурийлик нуқтаи назаридан характерлайди.

Қатъий танланган операцион омиллар/драйверлар таннархни қисқартириш имкониятларини аниқ кўрсатадилар. Масалан, «деталларнинг ҳар хил турдаги миқдори» операцион омили кам ишлаб чиқариш ҳажмига эга кўп миқдордаги деталли маҳсулотлар қиммат эканлигини кўрсатади. Бундан ъашқари, катта ишлаб чиқариш ҳажмига эга намунали деталлардан фойдаланишга йўналтирилган маҳсулотлар конструкциясини ўзгартириш таннархни қисқартиришини кўрсатади.

Бунинг устига операцион-қиймат усули таннархни бутунлай сингдирилишини талаб қилмайди. **Заводнинг фойдаланилмайдиган қуввати билан боғлиқ таннарх операцион-қиймат услубидаги маҳсулотга ҳам, истеъмолчига ҳам тегишли эмас.** Бунинг ўрнига у ортиқча қувват қийматига

**адолатли равища тегишли бўлади.** Натижада ўлик спирал – қийматнинг бутунлай сингдирилиши муқаррар натижа бўлиб (ассортимент қисқаришида) – операцион-қиймат услуги билан боғлиқ эмас ва у томонидан провикация қилинмайди.

Шу тарзда, ҳар қандай гуллаган компанияда яширин бўлган, юзага чиқмайдиган ожиз томонлар ва имкониятлар мавжуд. Атрофда эса « қояга урилиб яралангандарга ташланадиган» наҳангларга ўхшаган кўпгина очкўз рақобатчилар ҳар доим топилади.

Операцион-қиймат тизими мұаммолар ва имкониятлар ҳақидаги мұхим ахборотларни тақдим этади. Улар маҳсулот даромадлилигини яхшироқ тушунишга ва миқозларнинг тўлов қобилиятини оширишга олиб борувчи харажатлар ҳақида аниқ маълумотларни берадилар. Бундан ташқари, у такомиллаштириш йўналишларини тўғри аниқлаш ва унинг реализацияси бўйича кучларни жамлаш имконини берувчи операциялар ҳақидаги ахборотларни ҳам тақдим этадилар.

Харажатларнинг анъанавий бухгалтерлик ҳисобидан фарқли равища операцион-қиймат услуги халқаро даражадаги компаниянинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Операциялар ҳақидаги ахборотлар. Олдинги тизимлардан фарқли равища кейинги авлод тизими мұхим операцияларни аниқлайди ва уларга қийматни ўзлаштиради. Операциялар қийматини билганда заҳираларни гима учун қўллашни тушуниш осон. Бундан ташқари, Ушбу ахборотлар қўйидаги саволларга жавоб топишни осонлаштиради:

- Қандай операциялар кўп заҳираларни талаб қиласди?
- Бу операциялар заҳираларнинг қандай туридан фойдаланадилар?

- Ниманинг ҳисобига таннархни пасайтириш мумкин?

Аввалги операцион-қиймат тизими бу каби саволларга жавоб Бера олмасди, чунки улар операцияларнинг натижавийлиги/сифати ҳақидаги ахборотларни тақдим этишга эмас, балки маҳсулот таннархини түғри аниқлашга йўналтирилган эди.

***Мижоз ҳиқида ахборотлар.*** Операцион-қиймат тизимининг иккинчи авлоди кенг йўналтирилгандир. Масалан, улар мижозларни қиймат обьектининг бир кўриниши сифатида қабул қиласидар, ва бу исботланган, чунки хизмат кўрсатишда мижозларнинг эҳтиёжи турлича. Бунда хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар кўпгина компанияларда қиммат туришини ҳисобга олиш зарур.

### ***«Қўшимча харажатлар» билан боғлиқ қийинчиликлар нималардан иборат?***

Анъанавий бухгалтерияда эгри харажатларни тасвирлаш бир қатор камчиликларга эга. «қўшимча харажатлар» атамаси корхонанинг ҳақиқий фаолиятидан четлашишини кўрсатади.

Замонавий шароитда түғри ва қўшимча харажатлар қарама-қарши қўйилган компаниялар ўз мазмунини йўқотади. Биринчидан, операцион-қиймат услуги қўшимча харажатлар операциялар ва улар орқали маҳсулот ва мижозлар учун түғри харажатлар ҳисобланишини англаатади.

Иккинчидан, кўпгина компанияларда (банкларда, суғарта ва тиббиёт корхоналарида) қўшимча харажатлар ягона мавжуд бўлган номоддий харажатлар ҳисобланади. Кўпгина ташкилотларда меҳнатнинг түғри харажатлари йўқ бўлиб кетади. Кўпчилик хизмат кўрсатиш ташкилотларда қўшимча харажатлар – ягона мавжуд харажатларни ташкил қиласиди.

Бошқа томондан, « захиралар» атаси ҳар қандай турдаги харажатларни үларнинг анъанавий таснифидан ёки корхонанинг туридан қатъий назар қоплади. Бундай ташқари, «Захиралар» тушунчasi «имкониятлар» тушунчasi билан чамбарчас боғланган. Захиралар ўзида инсонларни, компьютерларни, технологияларни, асбоб-ускуна ва ишлаб чиқариш ҳамда мижозларга хизмат кўсатиш операциялари учун зарур бўлган бошқа омилларни ўзида мужассамлаштиради.

Масалан, корхоналарнинг бирида синчликлаб олиб борилган тадқиқотлар кўрсатадики, айрим асосий мижозлар фактик жиҳатдан даромад келтирмайди. Маркетинг хизматлари учун бу албатта янгилик ҳисобланади. Улар асосий мижозлар даромад келтирадилар, шунинг учун ҳам улар асосий ҳисобланадилар, деб таъкидлайдилар. Модомики, маркетинг хизмати бу муносабатларда адашадилар. Қийматни аниқлашнинг анъанавий услуби асосий мижозлар даромад келтирадилар, деб ҳисоблайдилар, шунинг учун ҳам бу мижозларга ката куч сарфланади.

Операцион-қиймат тизимисиз маркетинг хизматлари асосий мижозларга хизмат кўрсатишга катта харажат қилишаётлиниш аниயлай олмасди ва бу фактнинг стратегик томонидан яъни қўпроқ даромадли мижоз жалб этиши учун макетинг ресурсларини қандай қилиб тақсимлашни била олмасди.

Ноишлаб чиқариш операциялари ҳиқида ҳам икки оғиз гап. Мижозга қўшимча акцент корхонанинг Янги бўлинмасида қийматни аниқлашаг олиб келади. Масалан, мижозларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ операциялар ишлаб чиқариш доирасида - маркетинг хизматларида, буюртмаларни қабул қилиш ва мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимларида бажарилади. Аввалги операцион-қиймат тизими фақат ишлаб чиқришга асосланган ва фақатгина ишлаб чиқриш операцияларинигина қамраб олган (модомики, сақич ва

бошқа товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ операцияларнинг 3/1қисми ишлаб чиқариш билан эмас, реклама билан боғлиқ).

Бизнес нүктай назаридан ноишлаб чиқариш операцияларига ҳам худи ишлаб чиқаиш операцияларига каби эътибор берган маъқул. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ўз компаниянгиз молиявий ҳисоботига қаранг. Барча ноишлаб чиқариш харажатларини, уларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқриш харажатлари суммаси неча фоизни ташкил қилишини ҳисоблаб чиқинг.

Бу харажатлар ҳажми сизни ташвишлантириши мумкин. камдан-кам ҳолларда улар 50-60 ёки ундан кўпроқни ташкил қиласди. Айнан шу харажатлар фақатгина ишалб чиқаришга йўналтирилган таннархни аниқлаш тизими билан биргаликда бутунлай эътибордан четда қолади.

Хизматлар доирасида операцион-қиймат таҳлили. Операцион-қиймат тизимининг аввалги авлоди асосан ишлаб чиқариш компанияларида қўлланилган. Унинг ўрнига келган операцион-қиймат тизимининг иккинчи авлоди хизат кўрсатиш доирасидаги – молиявий ва тиббиёт корхоналарига ҳам жорий қилинмоқда.

Банқда бажариладиган операциялар – депозитларга ишлов бери шва кредитлар олиш мижоз, ҳисоб ва кредит каби қиймат обьектларига тегишли.

Операцион-қиймат тизими иккинчи авлодининг аҳамиятли томони жуда ажойиб. Бу тизимлар компания томонидан бажарилган ишлар ҳақида ва уларнинг бажарилиши сабаблари ҳақида аниқ маълумотларни беради. Бундай ахборотлар у ёки бу стратегик ва тезкор қарорларда – компания фаолиятининг йўналиши, маҳсулот ва хизматлар тузилмаси, таннархни пасайтириш варианtlарини моделлаштиришда таннарҳдаги улушни аниқлашни осонлаштиради.

Шу тарзда, таннархни аниқлаш билан боғлиқ йўналишлар маъмурият қўйидаги саволларга жавоб олиши имконини беради:

- қандай операциялар қиммат ҳисобланади;
- таннархни пасайтириш мақсадидаги маҳсулот ва хизматлар тузилмасини яхшилаш учун қандай имкониятлар мавжуд;
- маҳсулот, хизмат ва мижозларнинг даромадлилигини оширишга мувофиқлашган компаниялар учун қандай имкониятларни қўллаш мумкин.

### 1.3 операцион-қиймат тизими

Операцион-қиймат тизимининг горизантал қисми жараёнга мувофиқ келади. У ишнинг бажарилган операциялари ва бу иш билан боғлиқ бошқа операциялар ҳақида маълумотлар беради.

Аниқ айтадиган бўлсак, жараён – аниқ мақсадга эришиш учун бирлашган операцияларнинг изчиллигидир. ҳар бир операция қандайдир бошқа операция учун истеъмолчи ҳисобланади, ўз навбатида, ўз истеъмолчиларига эга. Бошқача айтганда, операциялар айрим ташқи истеъмолчилар учун қиймат яратиш мақсадида ҳамкорликда ишлайдиган истеъмолчи занжири элементларини ўзида мужассамлаштиради. (1.3.1-расм)



1.3.1- расм. Операцияларнинг истеъмол занжири

ҳар бир жараён ўзида операциялар занжирини мужассамлаштиради. Бу операциялар йиғилиб аниқ мақсадга эришишга хизмат қиласди. Жараён

операциялари умумий қиймат омилларига ва ишлаб чиқарувчанлик/натижавийлик характеристикасига эга. (1.3.2 - расм).



### 1.3.2-расм. Жараёнларда операцияларнинг ўзаро боҳлиқлиги.

Кейс 1.1. Давра столида «Операцион менежмент» модулининг тинговчилари мазкур модул билан ишлашда тинглаш ва муҳокама қилишни хоҳлаган асосий муаммо ва масалаларни айтадилар.

Давра столи масаласи: модулда қандай масалаларга асосий Урғу бериш керак (тингловчилар фикри бўйича). Жавоблар:

1. Компаниядаги операциялар ва бизнес-жараёнлар қай даражада тўғри ташкил қилинган, ОМ қанчалик даражада самарали қўйилган, баҳо «қандай бўлса, шундай».
2. Россияда CRM самарадорлиги намуналари.
3. Ўзгаришлар натижаларини прогнозлаштириш модели ва услублари.

4. Операция ва жараёнларни вайта кўриш зарурлиги ҳақидаги қарорлар қачон ва қандай қабул қилинади?

5. Компания учун қулай ахборот тизимлари борми?

6. Жараён эгаси ва маслаҳатчилар орасидаги зиддиятни қандай бартараф этиш мумкин?

7. бизнес-жараёнларни маслаҳатчиларсиз қайтадан ташкил этиш ҳолатлари бўлганми?

8. маслаҳатчилар қанча турди ва юқори даражали маслаҳатчилар рўйҳати қандай?

9. функционал бўлинмалар томонидан қабул қилинган қарорлар самарадорлиги қандай баҳоланади?

10. бизнес-жараёнларни яхшилаш заруртини аниқлаш вақтини қандай аниқлаш мумкин?

11. қайта лойиҳалаштириш жараёни қандай тугалланади?

12. компаниянинг ташкилий тузилмаси қандай шаклланади (ўртacha компаниялар учун)?

жараёнларга муносабат бўйича зиддиятлар даражасини ва тизимни функционал даражада баҳолаб бўлмайдими.

Ишлаб чиқаришда муаммо пайдо бўлганда ходим кўпинча уни мустақил бартараф этишга ҳаракат қиласи, баъзида эса уни яширади, оқибатда зарур чоралар ўз вақтида кўрилмайди. Ходимнинг бундай иш тутишига менежерлар ва ходимлар ўртасида мулоқот яхши йўлга қўйилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Айтиш керакки, Кайдзен тамойиллари мажбурий жорий этилганда, у самарали бўлолмайди. Шундай вазият ҳам юзага келиши мумкинки, раҳбарият мақсадга эришишни талаб қиласи, ходим эса жазодан кўркиб, ўзини фаол ишлаётгандек кўрсатади.

Кайдзен тизими бошқа мамлакатларда ёки алоҳида олинган корхоналарда кутилган натижа бермагани коммуникацияларда муаммолар

мавжудлигидан далолат беради. Жуда кўп ҳолларда компаниялар компания фалсафасини ва раҳбарият мақсадларини эсдан чиқариб қўядилар, баъзида уларни билмайдилар. Тўғридан - тўғри кўрсатмалар бериш йўли билан ҳаттоки энг натижавий усусларни қўллашга уриниш - бу фаолиятни фақат ташқи томондан яхшилаши мумкин.

Баъзан, бизнес - жараённинг алоҳида элементларига алоҳида эътибор қаратиш анча кўп вакт ва куч оладиганга ўхшайди, аммо амалиётда ушбу ажойиб тизими ўзини бутунлай оқлади. Ҳар қандай корхона фаолияти дикқат билан ўрганиб чиқилса, шундай бизнес - жараёнлар аниқланиши мумкинки, улар нафақат қўшилган қийматни яратмайди, балки аксинча, қўшимча сарф - ҳаражатларни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун Кайдзен тамойилларига риоя қилиш келгусида юзага келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларни олдини олишга ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз корхоналарига “Кайдзен” бошқарув тизимини жорий этилмоқда.

“Кайдзен” татбиқ этилган корхоналар яхши натижаларга эришмоқда. Хусусан, “Keng Makon” мебель фабрикасида ишлаб чиқариш ҳажми 10, экспорт ҳажми 2-3 баробар ошди. Бу кўрсаткичларга ишлаб чиқариш жараёнини чуқур таҳлил қилиш ва йўқотишлиарни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни мунтазам такомиллаштириш орқали эришилмоқда. Ишчиходимларни рағбатлантириш фабрикада иш принципини ўзгартиришга доир ёндашувлардан биридир. Бу борада «таклифлар қутиси» ташкил этилиб, корхонани ривожлантиришга ёрдам берадиган самарали гоя учун мукофотлаш тизими йўлга қўйилган. Ишчи-ходимлар ташаббуси билан бўяшнинг янги усуслари ўзлаштирилган, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган жараён 4 марта қисқарди.

Сўнгги пайтларда мамлакатимиздаги кўплаб корхоналарда мижозга йўналганлик тамоили жорий этилмоқда. Масалан, трикотаж газламалар ишлаб чиқарувчи “BF Textile” компанияси кичик партияларда буюртмалар асосида мижоз талабларидан келиб чиқиб турли хил рангдаги маҳсулот

ишлиб чиқармоқда. Бир қанча ресторандар ва дўконлар тармоқлари буюртмаларни тўғридан тўғри уйга ёки оғисга етказиб берган ҳолда, мижозлар учун барча қулайликларни яратмоқда.

“Кайдзен” тизими асосида бошқарувнинг янги ёндашувлари мамлакатимизда ҳам ўзлаштирилмоқда. Яқин вақтлар ичидаги тизимни яна бир қанча ишлиб чиқариш корхоналарига халқаро эксперталарни жалб қилиш орқали татбиқ этиш режалаштирилмоқда. “Кайдзен” тизими билан кўпроқ корхоналарни қамраб олиш ишлари давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбариятининг юртимизда ишилб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш, ички ва ташқи бозорда корхоналарнинг рақобатбардошлилигини мустаҳкамлаш бўйича талабларига жавоб беради.

## I боб бўйича хуроса

Операцион менежмент усуллари турли маъмурий ва ишилб чиқариш жараёнларини баҳолаш самарадорлигини таъминлайди ва мутахассислар, менежерларнинг келажакда ўсиши истиқболларини белгилаб беради. Тўқимачилик корхоналарини бошқаришда операцион менежмент усулларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштириш орқали корхона бизнес тизимларини ишилб чиқиш мумкин. Унинг асосида корхонанинг маҳсулотларини ишилб чиқариш, ҳар қандай бошқарув фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. У ҳар қандай операцияларни, аввало мижоз ва ташкилотлар учун таянч белгиларга эга барча операцияларни самарали ва оқилона бошқаришдан иборат.

Корхона фаолиятини самарали ривожлантиришда операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиш менежерларга, нафақат самарали ишлашда, шунингдек, ўз корхоналари фаолиятининг тамойилларини чуқурроқ тушунишда ҳам ёрдам беради. Корхонани бошқаришда операцион менежмент усулларини характерлаш унинг йўналтирилганлик, мазмундорлик ва ташкилий шаклларини очиб беради.

Корхонанинг иқтисодий фаолиятида фойдани максималлаштириш учун модернизациялаш, ишлаб чиқаришни ресурс тежовчи усулларидан фойдаланиш, янгиликларни жорий этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёning қўплаб давлатларида кенг қўлланилаётган “Kaizen” бошқарув тизими, айниқса, ҳаражатларни камайтириш ҳамда самарадорликни ошириш жиҳатлари билан ажralиб туради.

Корхонада “Кайдзен” усулидан фойдаланиш ишлаб чиқаришни барча соҳаларини қамраб олади ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини тежаш имкониятини беради. Ишлаб чиқаришни юксалтиришда мавжуд имкониятлардан унумлироқ фойдаланиш мақсадида хар бир ишчи хизматчилар ва бошқарувчиларнинг таклифлари ҳисобга олинади ва ривожланишга хизмат қиласиган таклифлар амалиётга тадбиқ қилинади. Ҳар қандай корхона фаолияти диққат билан ўрганиб чиқилса, шундай бизнес - жараёнлар аниқланиши мумкинки, улар нафақат қўшилган қийматни яратмайди, балки аксинча, қўшимча сарф - ҳаражатларни ҳам келтириб чиқаради. Шунинг учун Кайдзен тамойилларига риоя қилиш келгусида юзага келиши мумкин бўлган жиддий муаммоларни олдини олишга ёрдам беради.

Корхонада операцион менежмент усулларидан самарали фойдаланиб бошқаришни амалга ошириш, корхона олдига қўйилган мақсадларни амалга оширишни тезлаштиради.

## **II боб. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёнини баҳолаш**

### **2.1. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолияти тавсифи**

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси Тошкент Ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш Инспекцияси томонидан 2015 йил 30 июнь куни №25 тартиб рақами билан давлат рўйхатига олинган.

«Stimul biznes» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятида ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди. Ушбу Устав, Ўзбекистон Республикасининг “Маъсулияти чекланган ҳамда қўшимча маъсулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунга ва амалдаги қонунчилигига асосланиб тайёрланган<sup>22</sup>.

Тўлиқ номи: «Stimul biznes» масъулияти чекланган жамияти масъулияти чекланган жамият. Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган. Юридик манзили: Ташкент шаҳар, Юнусобод тумани, А.Темур кўчаси-60.

«Stimul biznes» масъулияти чекланган жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ва Ушбу Устав асосида олиб боради. Жамият юридик шахс хуқуqlарига эга шўъба ва тобе корхоналарига эга бўлиши мумкин. Шўъба ёки тобе корхоналари ва Жамият орасидаги ўзаро муносабатлар амалдаги қонунчилик ва Ушбу Устав билан тартибга солинади.

Жамият ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқаридаги банкларида ҳисоб ва бошқа рақамларига, ўзининг тўлиқ номи давлат тилида ёзиб кўрсатилган думалоқ муҳрига эга.

Жамият ўз номи ёзилган ва жойлашган манзили кўрсатилган тамғалари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, ҳамда бошқа ўз белги - алломатларига эга бўлишига ҳақлидир. Жамият Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари

---

<sup>22</sup> «Stimul biznes» МЧЖнинг Низоми

бўйича жавобгар бўлмайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жамият мажбуриятлари устидан жавобгар бўлмайди.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида фаолиятни таъминлаш учун корхонанинг мулки мулк эгаси томонидан сармоя сифатида киритиладиган бино, иншоат, асбоб ускуналар, хом-ашё, қимматли қофозлар ҳамда ердан, бинолардан, иншоатлардан, ускуналардан ва бошқа номулкий хукуқлардан фойдаланиш хукуклари, миллий ва хорижий валютадаги пул маблағларидан иборат.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятига иштирокчи томонидан киритилаётган мол мулкнинг қиймати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ равишда баҳоланади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти ўзининг мустакил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади. Эгалик хукуқида жамиятга унинг Иштирокчиси томонидан ҳисса сифатида берилган мулк, шунингдек бошқа асослар бўйича сотиб олинган мулк тегишли бўлади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти мулкдор хукуқларини амалга оширган ҳолда ўз қарамоғидаги мулкига нисбатан амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни ўз ихтиёри билан амалга оширишга ҳақли, шу жумладан:

- мулкини ўз қарамоғидан бошқа шахслар мулкчилигига чиқишига;
- мулкдор сифатида қолган ҳолда мулкка эгалик қилиш, ишлатиш ва тасарруф этиш хукуқларини беришга;
- мулкни гаровга бериш ва уни бошқа йўллар билан ишлатишга;
- уни бошқа йўллар билан тасарруф этишга ҳақли.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти мол-мулки Устав ва захира фондлари, асосий воситалар, номоддий активлар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда ва ишбилармонлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган Жамият сотиб оладиган мол-мулк, банк ҳисобларидаги маблағлардан иборат.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти ўрнатилган тартибда қуйдаги фаолият турларини амалга оширади:

- текстил маҳсулотларини ишлаб чиқиши
- савдо-сотик фаолиятини амалга ошириши;
- ёрдамчи материаллар;
- матоларни қайта ишлаш ва ва ундан маҳсулотлар ишлаб чиқариши.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолияти калава ип ва ундан трикотаж полотноси тайёрланади. Калава ип пахта толасини йигиришда юмшатувчи-титувчи, тарайдиган, икки тасмасимонли, хом ипга оид ва ип йигириув ўтишларини қамраб олувчи бир хом ипли тизим бўйича ишланади. Корхонада автоматлаштирилган узлуксиз линияларни жорий этилган. Бу эса хомашё йўқотишни қисқартириш, йигирилган ипни тайёрлаш мashaққатини қисқартириш, ип йигириш жараёнини барқарорлаштириш ва асосий фондлардан фойдаланиш изчиллигини кўпайтириш имконини беради.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида асосий ишчилар икки технологик ўтишларда: тайёрлайдиган ва тўқувчиликда иш билан бандлар.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида меҳнатининг умумий сарфларида тайёрлов бўлимининг салмоғи нисбатан унча катта эмас (20-25 %). Тайёрлов бўлимидағи меҳнат сарфлари асосий ва арқон йигирилган ипни тайёрланади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида асосий йигирилган ипни тайёрлаш учун мўлжалланган асбоб-ускуналарнинг технологик занжирни калавалайдиган, танда қўядиган, шлихталайдиган, проборлайдиган (фарқлайдиган) ва тугун тўқийдиган машиналардан иборат, арқоқ йигирилган ипни тайёрлаш учун эса калавалайдиган ва арқон-ўрайдиган машиналар мавжуд.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришда асбоб-ускуналар унумдорлигини ошириши, янги технологик жараёнлар ва усулларни жорий қилиш ҳамда тўқимачилик станокларида ишлаб

чиқариладиган ўзаро алмаштириладиган маҳсулотларни тайёрлашда меҳнат унумдорлигининг шиддатли ортиши билан ажралиб туради.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида технологик жараёнлар орқали бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш натижасида турли пардозлаш операцияларида технологик жараёнлар бошқаруви учун автоматлаштирилган тизим қўлланилади. Корхонада тола, титиш лентаси йигирилган ипини бўяш учун мўлжалланган такрорий ҳаракат жиҳозларида технологик ўлчамлар орқали бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимида амалга оширилади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида технологик жараёнлар ўлчамларини автоматик тарзда бошқариш учун қурилма ва турли тизимларни қўллаш яроқсизликнинг пасайиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот турининг қўпайиши ва буғ, электроэнергия ва сув сарфларининг қисқариши туфайли юкори иқтисодий самара бермоқда.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида “Бурлингтон” фирмаси дасгоҳлари ўрнатилган. Ушбу дасгоҳларда ҳар қандай уйғун бўяш жиҳозлари ёрдамида автоматлаштирилган бошқарув учун тизимлар чиқара олади (ўрамларда толали материалларни қайта ишлаш учун аппаратлар, бўяш барабанлари кабилар). Бундай тизимдан фойдаланишда барча операциялар, ишлов хомашёсини узатишдан бошлаб то тайёр маҳсулот чиққунга қадар, режа асосида амалга оширилади. Жараён автоматик тарзда назорат қилинаётганлиги туфайли хоҳлаган пайтда маҳсулотнинг қандай фазада турганилиги, қаерда хатоликка йўл қўйилганлигини кузатиш мумкин.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида янги “Канево” фирмасининг бошқарув автоматик тизими бир операторга элликта (бўяйдиган ва қуритадиган) аппарати ўрнатилган. Ушбу тизимни қўллаш меҳнат унумдорлигини 20 фоизга ошириш ва ишлаб чиқариш сарфларини 50 фоизга қисқартириш, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ходимни қисқартиришга ёрдам беради.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида сифатни ошириш ва тўқимачилик маҳсулоти турларини кенгайтиришни бўяш-пардозлаш ишлаб чиқаришида янги техник асоссиз амалга ошириш мумкин эмас. Бу корхона учун жиҳозларни умумий ишлаб чиқаришда бўяш-пардозлаш асбоб-ускуналари улушининг ортишига олиб келади, бу эса тўқимачилик полотноларини сифатини ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига олиб келади.. Умуман, бўяш-пардозлаш асбоб-ускуналари салмоғининг ортиши натижасида йигириш-тўқиши жиҳозларининг улуши тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажминиг оширади.

Асосий фонд ҳажмлари доимий равишда ўсиб бораётганлиги туфайли фонддан фойдаланишни яхшилаш муаммолари ечими топилади ва бу жараён бугунги кунда долзарб масалалардан ҳисобланади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш даражаси умуман ва унинг алоҳида ишлаб чиқариш цехларида меҳнат унумдорлиги ўсиш суръатини жадаллаштириш учун катта аҳамият касб этади, чунки ишлаб чиқаришда машина ва ускуналар улуши асосий ишлаб чиқариш фондларининг умумий қийматида 60 %дан юқорироқни ташкил этади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида тўқувчилик бўлимининг сермашаққат меҳнати умумий меҳнат сарфининг 70-80 фоизни эгаллайди, пахтани қайта ишлайдиган тармоғи бўйича асосий ишчиларнинг ўртacha салмоғи эса – 73 фоизни ва ипак тармоғида – 78,1 фоизни ташкил қиласи.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқариш ишларининг асоси тўқувчилик цехига қаратилганлиги туфайли тўқувчилик станокларини такомиллаштириш билан меҳнат унумдорлиги ўсишининг боғлиқлиги шак-шубҳасиздир.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик машинасозлиги тараққиёти арқон ипини ётқизишнинг янги усуллари билан мокисиз тўқимачилик станокларини яратиш йўлидан бормоқда. Мокисиз

тўқимачилик станоклари ҳарёқламалик ва юқори унумдорликка эга. Янги такомиллаштирилган механизмлар турли тизим матоларини, ҳатто жамият маҳсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлган ҳолда амалга ошириладиган ўз фаолият турларини амалдаги қонунчилигига кўзда тутилган тартиб ва қоидалар асосида амалга оширилади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида фондларнинг фойдали иш коэффициенти ортишига нисбатан қўшимча таъсир қилувчи омилларга ишлаб чиқаришнинг жойлашиши ва умумий ўсиши, меҳнат тақсимоти, ихтисослашуви, хомашё ва маҳсулот тизимидағи илғор силжишлар, ишлаб чиқариш жараёнлари унумдорлигини ошириш ҳамда ускуналар иш вақтидан тобора тўлиқ фойдаланишни киритиш жоиз. Шундай қилиб, юқорида қайд қилинганларни асослаб, таъкидлаш жоизки, “Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида илмий-техник тараққиётни амалга ошириш борасидаги фаолият юзасидан доимий раҳбарлик зарур бўлади. Илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш вазифасини уйғун ҳал “Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида ишлаб - чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий вазифаларидан биридир.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида илмий-техник тараққиётни бошқариш ўз ичига икки параллел, бироқ ўзаро бир-бири билан органик тарзда боғлиқ бўлган иш йўналишини: бир томондан, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини доимий такомиллаштириш, бошка томондан эса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг техник-фойдаланиш кўрсаткичларини изчил яхшилашни қамраб олади. Ишнинг кўрсатилган йўналишлари “Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти учун, унинг сўнгги маҳсулот ишлаб чиқариши ёки яримфабрикат тайёрлаш билан шуғулланишидан фарқли ўлароқ, тааллуқлидир. Агар ип йигириш ва трикотаж полотно ишлаб чиқариш, шунингдек, ип йигириш ва тўқимачилик полотно ишлаб чиқаришига техник-иктисодий бирлик сифатида қаралса, у ҳолда ип йигиришда амалга ошириладиган барча технологик, техник ва ташкилиш чора-тадбирлар “Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти

фаолиятининг техник-иктисодий натижаларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида илмий-техника тараққиётини ривожлантириш ишлаб чиқаришни бир ерга тўпланишига ва ушбу асосда тармоқлараро кластер ташкил этишга замин яратади. Кластерда илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш бўйича ишларнинг асосий ҳажмини асосий корхонага юклаш мумкин, бу вактда корхона ўзининг ишлаб чиқариш хусусиятлари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларига нисбатан қўлланиладиган янги техникани жорий этадилар.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида кластер шароитида ишлаб чиқаришнинг бир ерга тўпланиши илмий-техник тараққиётга бошқарувнинг турли усулларини қўллаш имкониятини беради. Таъсир йўналишлари бўйича уларни шартли равишда икки гурухга ажратиш мумкин: бевосита ва билвосита. Илмий-техник тараққиётнинг бевосита усуллари – режалар бажарилиши назоратининг режалаштирилиши, бошқарилиши ва ташкиллаштирилишидир, билвосита усулга эса иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланган усулларнинг катта гурухини, янги техникани ўзлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишни кучайтириш кабиларни киритиш мумкин.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятида илмий-техник тараққиётни режалаштиришни тизимнинг такомиллаштирилиши ва ишлаб чиқариш техник-иктисодий даражасининг ортиши, илмий-техник яrim тайёр маҳсулотларни ҳамда режалаштирилган чора-тадбирларни моддий-молиявий таъминотини яратишни белгиловчи кластер иштирокчиларининг тараққиёт режалари кўрсаткичлари орқали амалга ошириш мумкин. Кластер режаларини ишлаб чиқиш ва бошқариш – илмий-техник тараққиётни бошқариш вазифасининг биринчи қисмигина холос. Иккинчиси – ушбу режаларни амалиётда бажариш бўйича ишларни ташкиллаштириш саналиб, бу “Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятининг кластерга бирлашган бўлимлари ва хизматлари орқали амалга оширилиши зарур деб ўйлаймиз.

## **2.2. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили**

Корхонанинг молиявий – иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилишда молиявий режанинг бажарилишини, маблағларнинг тўғри ёки нотўғри тақсимланиши ва улардан тўғри ёки нотўғри фойдаланишни, хўжаликнинг ўз маблағлари билан таъминланганлигини аниқлашдан, айланма маблағлар запасининг белгиланган режаларга ва ҳисоб – китоб интизомига риоя қилиши, банк – кредитларидан фойдаланиш, хўжаликнинг тўлаш қобилияти, айланма маблағлари, ишлаб чиқариш сарф – харажатлари ўрганилди.

### **1 – жадвал**

#### **2015 – 2017 йилларда “Stimul biznes” МЧЖнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили<sup>23</sup>**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>
1.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	минг.сўм	151220,0	198720,0	237910,0
2.	Сотилган маҳсулотлар	минг.сўм	145578,0	178910,0	214567,0
3.	Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	125644,3	156768,9	198674,5
4.	Солиқ тўлангунгача бўлган фойда	минг.сўм	94567,9	98678,9	100456,7
5.	Соф фойда	минг.сўм	75654,3	78943,1	80365,4
6.	Асосий фонdlар қиймати	минг.сўм	98867,0	98867,0	100567,7
7.	Капитал қўйилмалар	млн.сўм	46787,0	48767,5	51234,6
8.	Ишчи-ходимлар сони	киши	30	32	35
	шу жумладан, ишлаб чиқариш ходимлари	киши	25	27	30
9.	Ўртacha иш ҳақи	минг сўм	670,0	845,0	1250,0

1 – жадвалдан кўриниб турибдики, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2015 йилда 151200,0 минг сўмни ташкил этса, 2017 йилда эса 237910,0 минг

<sup>23</sup> “Stimul biznes” МЧЖнинг йиллик ҳисоботларидан олинган маълумот

сўмни ташкил этган. Молия таҳлилиниг асосий манбаи бухгалтерия балансидир. Шу билан бирга молия режаси маълумотларидан, жорий ҳисоб – китоб маълумотларидан ҳам фойдаланилади.

## 2 – жадвал

### “Stimul biznes” МЧЖнинг 2017 йилда иқтисодий – молиявий кўрсаткичлари таҳлили<sup>24</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа	Ҳақиқат	Режанинг бажарилиши, фоиз
1.	Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми	минг.сўм	215757,8	237910,0	111,4
2.	Махсулот сотишдан тушган тушум	минг.сўм	320145,7	38336550,5	100,5
3.	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	млн.сўм	204323,5	219674,5	107,5
4.	Ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	185067,9	198674,5	107,0
5.	Зарурий фойда	минг.сўм	19255,6	21000,0	109,0
6.	Сотишдан олинган соф тушум	минг.сўм	115863,2	102176,0	88,2
7.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	1425,8	134587,9	94,5
8.	Сотиш харажатлари	минг.сўм	9450,0	10800,0	114,3
9.	Маъмурий харажатлар	минг.сўм	9805,6	10200,0	104,0
10.	Ялпи фойда	минг.сўм	103390,7	100456,7	91,4
11.	Фойдадан солик	минг.сўм	21978,1	20091,3	91,4
12.	Соф фойда	минг.сўм	87912,6	80365,4	91,5
13.	Реализация рентабеллиги	%	34,3	31,2	-
14.	Соф реализация рентабеллиги	%	27,4	25,0	-
15.	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	41,2	34,0	-

2 - жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, “Stimul biznes” мъсулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг режа

<sup>24</sup> “Stimul biznes” МЧЖ нинг йиллик ҳисоботларидан олинган маълумот

топшириқларини 11,4 фоизга ошиши маҳсулот сотишдан тушган тушуми 0,5 фоизга, умумий ишлаб чиқариш харажатларини 7,5 фоизга, ишлаб чиқариш таннархини 7,0 фоизга ошишига олиб келди. 2017 йилда корхонанинг сотиш харажатлари 10800,0 минг сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 14,3 фоизга ошган. 2017 йилда маъмурий харажатлар режаси 9805,6 минг сўм қилиб белгиланган. Ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 10200,0 минг сўмни ташкил этиб, 4,0 фоизга ошган. Маълумотларга кўра, корхонада ялпи фойда режаси 8,6 фоизга кам бажарилган.

3 – жадвалда 2015 – 2017 йилларда “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили берилган.

### **3 – жадвал**

#### **“Stimul biznes” МЧЖида 2015 – 2017 йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш таҳлили<sup>25</sup>**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>
1.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	минг.сўм	151400,0	198720,0	237910,0
2.	Реализация қилинган маҳсулотлар ҳажми	минг.сўм	145778,0	178910,0	214567,0
3.	Тайёр маҳсулот заҳиралари	млн.сўм	5522,0	19710,0	23343,0

3 - жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхонада 2017 йилда 2015 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 157,3 фоизга, истеъмол товарлари 157,3 фоизга сотилган маҳсулотлар ҳажмини 147,2 фоизга ортган.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йили ўртacha 15-18 фоизга ошириши режалаштирган. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан қўлланиладиган меҳнатнинг ихтисослашув даражасини ошириш имконияти ортиб боради. Ишлаб чиқариш жараённада беш ёки олтита операцияни бажариш ўрнига, энди ҳар бир ишчи битта ягона вазифани олади. Битта вазифани бажариш

<sup>25</sup> “Stimul biznes” МЧЖ нинг йиллик ҳисоботларидан олинган маълумот

имкониятини ошириш эса, ишчининг меҳнат унумдолигини ўстиради. Бу ишлаб-чиқариш харажатларининг камайишига олиб келади.

#### 4 – жадвал

#### “Stimul biznes” МЧЖнинг 2015 – 2017 йилларда рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили<sup>26</sup>

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2015 йил</b>	<b>2016 йил</b>	<b>2017 йил</b>
1.	Махсулот сотишдан олинган тушум	минг.сўм	218517,0	268365,0	321850,5
2.	Сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	112667,8	123456,0	134587,9
3.	Сотилган махсулотдан тушган фойда	минг.сўм	106849,2	144909,0	187262,6
4.	Солиқ тўлангунгача бўлган фойда	минг.сўм	94567,9	98678,9	100456,7
5.	Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртacha қолдиқ қиймати	минг.сўм	8248,9	8238,9	8381,0
6.	Айланма маблағларнинг ўртacha қолдиқ қиймати	минг. сўм	9380,0	8355,0	10987,0
7.	Сотилган махсулот рентабеллиги	фоиз	43,3	36,7	31,2
8.	Сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига кўра рентабеллик	фоиз	47,3	44,0	39,0
9.	Ишлаб чиқариш фонdlари умумий рентабеллиги	фоиз	45,4	39,7	32,3

4 – жадвал маълумотида кўриниб турибдики, корхонанинг сотилган махсулот рентабеллиги 2017 йилда 2015 йилга нисбатан 12,1 фоизга, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан 5,5 фоизга камайган.

<sup>26</sup> “Stimul biznes” МЧЖ нинг йиллик ҳисоботларидан олинган маълумот

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятнинг 2015-2017 йилларда молиявий коэффициентлари таҳлили 5 – жадвалда келтирилган.

### 5 – жадвал

#### “STIMUL BIZNES” МЧЖнинг 2015 – 2017 йилларда молиявий коэффициентлари таҳлили<sup>27</sup>

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1.	Айланма активлар – А2	млн.сўм	98460,0	99260,0	102844,0
2.	Мажбуриятлар – П2	минг. сўм	15789,0	12866,8	11500,0
3.	Муддати узайтирилган дебиторлик қарзи - Удқ	минг. сўм	15678,0	14590,0	16543,4
4.	Узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар – Уқк	минг. сўм	-	-	-
5.	Ўзлик маблағлари манбалари - П1	минг.сўм	92645,6	92678,9	93345,6
6.	Баланс активи ёки пассиви якуни – БЯ	минг. сўм	197427,0	198127,0	203412,0
7.	Узоқ муддатли активлар - А1	минг.сўм	98767,0	94867,0	100567,7
8.	Ҳисобот даврида бажарилган хизматларнинг амалдаги ҳажми – Q амал	минг.сўм	151200,0	195720,0	237910,0
9.	Белгиланган вақт мобайнида хизматлар кўрсатиш мумкин бўлган энг катта ҳажм - Q лойиха	минг.сўм	167890,0	240789,0	257890,0
10.	Тўловга кобиллик ёки қоплаш коэффициенти – Ктқ = А2 – Удқ / П2 - Уқк	Меъёр – 2 дан юқори қиймат	5,2	7,1	8,1
11.	Ўзлик ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти – Кмн = П1 / П2 - Уқк	Меъёр – 2 дан юқори қиймат	5,8	7,4	8,3
12.	Молиявий мустақиллик коэффициенти – Кмм = П1 / БЯ	Меъёр – 0,5 дан юқори қиймат	0,5	0,5	0,5
13.	Ўзлик айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти – Кмт = А1 – П1 / А2	Меъёр – 0,1 дан юқори қиймат	0,1	0,1	0,1
14.	Кувватлардан фойдаланиш коэффициенти – Кқф = Q амал / Q лойиха	Меъёр – 0,6 дан юқори қиймат	0,9	0,9	0,9

<sup>27</sup> “Stimul biznes” МЧЖ нинг йиллик ҳисоботларидан олинган маълумот

5 - жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, корхонанинг айланма маблағлари, ўзлик маблағларининг манбалари, шунингдек узоқ муддатли активлари йилдан йилга ошиб борган. Шунинг ўзи корхонанинг молиявий ҳолати қониқарли эканлигидан далолат беради.

6 – жадвалда корхонанинг 2017 йилдаги сарф харажатлари таҳлили берилган.

#### **6 – жадвал**

#### **“STIMUL BIZNES” МЧЖининг 2017 йилда ишлаб чиқариш сарф – харажатлари таҳлили<sup>28</sup>**

<b>№</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>Режа бўйича</b>	<b>Ҳақиқат</b>	<b>Режанинг бажарилиши, фоиз</b>
1.	Махсулот ишлаб чиқариш ҳажми	минг.сўм	213657,8	237910,0	111,4
2.	Умумий ишлаб чиқариш харажатлари	минг.сўм	204373,5	219774,5	107,5
3.	Ишлаб чиқариш таннархи	минг.сўм	185067,9	198674,5	107,0
4.	Зарурий фойда	минг.сўм	19255,6	21300,0	109,0
5.	Давр харажатлари	минг.сўм	19275,6	21006,0	109,1
6.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	минг.сўм	-	-	-

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, махсулот ишлаб чиқариш ҳажми режа бўйича 213457,8 минг сўм қилиб белгиланган бўлса, ҳақиқатда эса бу кўрсаткич 237910,0 минг сўмни ташкил этган. Режа 24452,2 минг сўмга кўп ёки 111,4 фоиз бажарилган.

Корхонада умумий ишлаб чиқариш харажатлари режасининг бажарилиши 107,5 фоиз, ишлаб чиқариш таннархи харажатлари эса 107,3 фоизни ташкил этган. Корхонадаги зарурий фойда режага нисбатан 109,0 фоиз бажарилган.

<sup>28</sup> “Stimul biznes” МЧЖ нинг йиллик ҳисоботларидан олинган маълумот

Бунда шуни таъкидлашимиз жоизки, ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи корхонада иш самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. У харажатлардан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини, меҳнат унумдорлигини, ишчиларга тўланадиган меҳнат ҳақини, асосий фондлардан, хом - ашё материалларидан фойдаланишни кўзда тутади. Корхонанинг хўжалик ҳисботи ишлаш жараёнида маҳсулот таннархининг нисбатини муҳим аҳамиятга эга.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш жараёнини юритишида асосий фаолият харажатларини тўғри ташкил этилиш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида йўқотишларини ва заарларини камайтиришга интилиши заҳираларни аниқлашга, хусусан, меҳнат, моддий ва хом-ашё заҳираларидан оқилона фойдаланишга этибор қилиш талаб этилади. Чунки моддий сарфларни қисқартиришга алоҳида эътибор бериш лозим, бунда барча ишлаб чиқариш сарф-харажатларининг 50-80 фоиз қисмини ташкил этади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотини товар бозорида сотиш учун қуйидагиларни кўра олиши керак:

- маҳсулотнинг келгусидаги бозор потенциали;
- рақобатчиларнинг мавжудлиги ва имкониятлари;
- рақобатчи товарлар билан “курашиш” усуллари.

Корхонада ходимлар фаолиятини ташкил этишида ишлаб чиқариш камчилигини ҳар қандай босқичда бартараф қилиш, ишлаб чиқариш технология жараёнини янги шароитга мослашишини, фонд сифимли ва ихчам ишлаб чиқаришга, тез қабул қилинадиган қарорларга, ишлаб чиқаришда инсон омилининг улкан ўрнига, маҳсулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга, ишлаб чиқариш майдонларидан яхши фойдаланишга, юқори меҳнат унумдорлиги ва кам харажатли ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиши зарур.

“Stimul biznes” МЧЖ бугунги кунда барқарор ривожланиши учун тўқимачилик полотноси номенклатурасини ва уларни ишлаб чиқариш

ҳажмини янада ошириш ҳамда сифатини доимо яхшилашлашга эътибор қаратиши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва экспортбоп тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш стратегияларини ишлаб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш ва янги юқори технологик ишлаб чиқаришни ташкил этиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва хорижий шерикларни жалб этиш “Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятининг муҳим вазифаларидан биридир.

### **2.3. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёни таҳлили**

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёни алоҳида ўрин тутади, ваҳоланки. айнан шу усуллар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини баҳолаш ва уни самарадорлигини ошириш таъминланди.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш орқали бир томондан, операцион менежмент функцияларини амалга ошириш жараёнини, иккинчи томондан, персонал ишини фаоллаштириш ва унга ижодий, манфаатли ва фаол рух баҳшида этиш мақсадида ходимларга таъсир этиш жараёнини ўзида намоён этувчи бошқарув фаолияти амалга оширилади. Ушбу ўзига хос хусусият менежментда икки хилдаги усулларни қўллашни назарда тутади.

Улардан биринчиси - бу бошқарув фаолиятини амалга ошириш усули, иккинчиси - корхоналар ва улар персоналининг, шу жумладан ҳар бир алоҳида ходимнинг фаолиятига таъсир этиш усулидир. Албатта, операцион менежмент аниқ операциялари ва жараёнлари доирасидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ишлаб чиқиш учун устувор аҳамиятга эга, чунки менежерларнинг

асосий вазифаси ҳар бир бажарадиган иши туридан қатъи назар унинг серунум фаолиятини таъминлашдан, операцион ресурсларини қўлловчи тизимларни бошқаришдан иборат.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларини қўллаш самарадорлигининг шарти сифатида улардан бир вақтнинг ўзида объектив тарзда иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва руҳий манфаатларни қондиришга йўналтирилган ялпи фойдаланиш иштирок этади.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш орқали, корхонада мавжуд ресурслар билан режа, топшириқларини тўлиқ ҳажмда ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эришилади.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларининг хусусиятлари менежмент тизимининг барча таркибий қисмларига боғлиқ. Бунда уларнинг хусусиятига асосий таъсирни операцион менежмент мақсадлари, тамойиллари, функциялари ва бошқарув персонали кўрсатади (9-расм).



**9 - расм. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш жараёнини амалга оширишнинг таркибий қисмлари<sup>29</sup>**


<sup>29</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолияти амалиётида операцион менежментнинг иқтисодий, ташкилий, ижтимоий ва руҳий усуллар ғоят кенг кўлланилади.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолиятида операцион менежментнинг ташкилий-маъмурий усуллари бошқарув усуллари тизимида алоҳида ўрин тутади ва корхона бошқарув тизимидағи муносабатларни тартибга солиб туради, жамоалар ичидаги орасида рационал алоқалар таркиб топишига ёрдам беради.

Ташкилий - маъмурий усуллар ёрдамида “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида бошқарув аппаратининг муайян тизимини тузиш; бошқарув бўғинларининг функцияларини белгилаш, кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш, буйруқлар, фармойишлар ва қўлланмалар чикариш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш, топшириқлар ва директив қўрсатмаларни бажармаётган бўлинма ва шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўллаш амалга оширилади.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолиятида ташкилий усулларнинг қўлланилиши ишчи - ходимларнинг ташкилий манфаатларига таъсир этиб, улар ишчи - ходимлар фаолиятини самарали ташкил этиш объектив қонунларига, муайян тарзда тартибга солишга асосланади. Ўзининг функционал белгиланишига қўра усулларнинг ушбу гуруҳи “Stimul biznes” МЧЖда учта кичик гурухга ажратилади (10-расм).



10 - расм. “Stimul biznes” МЧЖда ташкилий усуллар таркиби<sup>30</sup>

<sup>30</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ташкилий-барқарорлаштирувчи усулларнинг функционал белгиланиши “Stimul biznes” МЧЖда бошқарув тизимида бошқарув ишларининг ижрочилари ўртасида, шунингдек шартномавий асосда узоқ муддатли ташкилий муносабатлар ва алоқаларнинг ўрнатилишидан иборат.

“Stimul biznes” МЧЖда ташкилий - бошқариш усулларининг функционал белгиланиши бошқарув субъектларининг корхона-тизим фаолият кўрсатишининг режалаштирилган, белгиланган режимидан четга чиқишлиарни бартараф этишга, вазиятнинг ёки корхона фаолият кўрсатадиган муҳитнинг ташқи ва ички ўзгаришлирига билдириладиган муносабатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилган ҳаракатларидан иборат (11-расм).

<b>Усуллар турлари</b>	<b>Усулларни амалга ошириш шакллари</b>
Ташкилий-барқарорлаштирувчи	Бошқарув аппаратининг штатлари ва таркибий тузилиши, функциялар ижрочилари тўғрисидаги низомлар, ходимлар фаолиятини регламентлаш.
Ташкилий - бошқариш	Хужжатли шакл (буйруқлар, фармойишлар), оғзаки шакл (кўрсатмалар).
Ташкилий - интизомий	Келгусида корхона фаолият кўрсатишининг белгиланган режимидан четга чиқишлиарниг олдини олувчи, хужжатли ёки оғзаки шакллардаги буйруқлар, фармойишлар кўринишида расмийлаштириладиган усуллар.

### **11-расм. “Stimul biznes” МЧЖда ташкилий усулларни амалга ошириш шакллари<sup>31</sup>**

Ташкилий-интизомий усуллар келгуси фаолиятда “Stimul biznes” МЧЖ ишлашининг белгиланган режимидан четга чиқишлиарга йўл қўймаслик учун мўлжалланган. Бунда меҳнат, ишлаб чиқариш ва технологик интизомга, меҳнат тартиби режимига риоя қиласлик ва бошқа тартибузарликларга асло йўл қўймасликка йўналтирилган усуллар танлаб олинади.

Корхонафаолиятини бошқаришда қўлланиладиган ташкилий-маъмурий усуллари икки шаклда: ташкилий таъсир кўрсатиш усуллари, фармойиш бериш усуллари шаклларда намоён бўлади. Ташкилий усулларнинг бу иккала шакли биргалиқда қўлланилади, бир-бирини тўлдиради ва ривожлантиради.

<sup>31</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ҳар иккала шаклнинг уйғунлашуви ишлаб чиқариш шароитларини ҳисобга олинган ҳолда “Stimul biznes” МЧЖда оптимал тарзда қўлланилади.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежментнинг ташкилий-маъмурӣ усулларидан фойланиш қуидагиларни таъминлайди:

- корхона фаолиятининг юқори самарадорлигини таъминлайди;
- б) ҳар бир ходимнинг фаол ижодий фаолиятини таъминлайди;
- в) ишлаб чиқариш ва бошқарув фаолияти аниқ ташкил этилади;
- корхона барча ходимларининг уйғунлашган, монанд ўзаро боғланган иши амалга оширилади;
- мунтазамлик ва обективликни таъминлайди;
- асосиз ва тасодифий ҳаракатларга чек қўяди;
- регламентланган тартиб ўрнатади.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежментнинг иқтисодий усуллари бошқарув объектининг иқтисодий қонунлар талабларидан онгли равишда фойдаланишга асосланган иқтисодий манбаатларига таъсир кўрсатишдан иборат. Ушбу усул “Stimul biznes” МЧЖда қўлланилади ва улар қуидагиларни ташкил қиласди:

- корхонада ходимларни моддий рағбатлантириш тизими яратилган;
- ишнинг сифати ва самарадорлиги учун жавобгарлик тизими жорий этилган;
- корхона фаолият юритишининг иқтисодий меъёрлари (фонд билан қуролланганлик ва меҳнатнинг унумдорлиги, маҳсулотларнинг турлари бўйича рентабеллик меъёрлари), улар маҳсулот сифатининг асосий кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришнинг даражаси, шу жумладан бизнес-режани таҳлил қилиш асосида ишлаб чиқиласди.

“Stimul biznes” МЧЖда ҳар бир ишчи – ходимларнинг ишининг сифати ва самарадорлигини оширишига қаратилган ва жамоадаги ишчи – ходимларнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш учун мотивация ва

мувофиқлаштириш қуролларидан фойдаланиш йўли билан амалга ошириладиган рағбатлантириш тизимидан кенг фойдаланилади. Корхонада ушбу иқтисодий рағбатлантиришнинг қўйидаги замонавий шаклларидан:

- иш ҳақи тизимини меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ шакллантириш;
- қўшимча мукофотлар қўринишидаги бонуслар, мукофотлар, асосий иш ҳақига қўшимчалар;
- ходимга нафақа жамғармасини шакллантириш қўринишида имтиёзлар ва енгилликлар бериш, ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш, унга транспорт хизматлари, ходим ва унинг оила аъзоларини даъволаш ва дам олишларини ташкил қилиш ва бошқалар.

“Stimul biznes” МЧЖда рағбатлантиришнинг санаб ўтилган шакллари билан бир қаторда, жазолар ва танбеҳлар, имтиёзларни пасайтириш ёки тўлиқ олиб ташлаш тизими ҳам қўлланилади.

“Stimul biznes” МЧЖда ҳар қандай даражадаги раҳбар операцион менежментнинг иқтисодий усулларининг мазмунини яхши билишади ва уларни тўори қўллай оладилар. Бошқарилувчи обьектга иқтисодий усуллар орқали кўрсатиладиган таъсир корхонани:

- жиддий режалар қабул қилишга;
- меҳнат ва молия ресурсларидан янада унумлироқ фойдаланишга;
- янги технологияларни жорий қилишга;
- меҳнат унумдорлигини оширишга;
- рақобатбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга рағбатлантиради ва шунга даъват этади.

“Stimul biznes” МЧЖда бошқарувнинг ижтимоий-психологик усуллари бошқарувга жамоадаги ижтимоий-психологик жараёнларни, ходимлар саломатлиги ва жамоадаги яхши аҳлоқий-психологик мухитни сақлаб қолиш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиш сифатида қўйилган мақсадларга эришиш учун қаратилган.

“Stimul biznes” МЧЖда қуидагилар ижтимоий-психологик жараёнларни бошқаришда қўлланилади:

- ходимларнинг шахсий таърифлари, ҳамда уларнинг руҳий ва руҳий-физиологик хусусиятлари;
- меҳнатни ва иш жойларини ташкил қилиш усуллари;
- ходимларни танлаш, жой жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими;
- ахборот таъминоти ва ундан фойдаланиш;
- ходимларни рағбатлантириш тизими;
- жамоадаги аҳлоқий-психологик муҳит;
- ходимларнинг ижтимоий-маиший шароитлари.

“Stimul biznes” МЧЖда ижтимоий-психологик жараёнларни бошқариш қуидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий-психологик жараёнларнинг меъёрлари ва нормативларини ишлаб чиқиш;
- меъёрлар ва нормативларни бажарилишини таҳлил қилиш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш;
- ижтимоий-психологик жараёнларни меъёrlаштириш ва соғломлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш,
- тартибларни ташкил қилиш ва уларни бажарилишини назорат қилиш,
- ижтимоий-психологик жараёнларни тартибга солиш.

“Stimul biznes” МЧЖ раҳбарияти корхонани бошқариш тизимида ижтимоий-психологик усулларни қўллаш ёрдамида жамоада қулай аҳлоқий-психологик муҳитни таъминлайди ва бу уларнинг муҳим вазифасидир. Булар қуидагилардан иборатdir:

- раҳбарларнинг қўл остидагиларга босимини йўқлиги;
- жамоа аъзоларининг ўзларининг вазифалари ва ишлари ҳолати ҳақида етарлича хабардорлиги;
- жамоа аъзолари ва жамоатчиликнинг ўзаро талабчанлиги;

- жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан ташкилот (бўлинма)даги ишларни ҳолати учун жавобгарликни ўзига олиниши;
- жамоага тегишли эканлиқдан қаноатланиш;
- дўстона ва ишга доир танқид;
- масалаларни муҳокама қилишда фикрларни эркин билдирилиши;
- жамоада узоққа чўзилиб кетган, вазифавий низоларнинг йўқлиги;
- ўзаро ёрдамнинг юқори даражаси ва бошқалар.

“Stimul biznes” МЧЖ раҳбариятининг жамоада кулай ахлоқий-психологик муҳитни таъминлаш учун раҳбарлар маҳсус билим ва кўникмаларга эга. Маҳсус тадбирлар сифатида “Stimul biznes” МЧЖ раҳбарияти қуидаги усуллардан фойдаланади:

- ходимларни илмий асосланган ҳолда танлаш;
- менежерларни ўқитиш ва даврий равишда аттестациядан ўтказиш;
- меҳнат жамоаларини ходимларни психологик бирга бўла олишларини ҳисобга олиш билан шакллантириш;
- жамоа аъзоларида ўзаро тушуниш ва ўзаро ҳамкорлик кўникмаларини ишлаб чиқишига ёрдам берувчи ижтимоий-психологик усуллар, раҳбарликнинг тегишли услуби.

“Stimul biznes” МЧЖда жамоани шакллантириш ва шахсларо муносабатларни тадқиқот қилишда социоматрицалар ва социограммалар тузилган. У гурух аъзоларининг бир - бирларига муносабатларини ва жамоанинг жипслиги даражасини белгилаш, етакчини аниқлаш, ҳамда ходимларнинг социоматрик мавқеи ва жўшқин енгилтаклигини аниқлашга имкон беради.

“Stimul biznes” МЧЖда фойдаланиладиган бошқарув усулларидан қоидага кўра, мажмуавий кўринишида, яъни улар бир вақтда иқтисодий манфаат, маънавий ва моддий рағбатлантириш, ижтимоий-психологик омиллар қўлланилади. Бунда айрим усуллар аниқ вазиятларда бир - бирларини тўлдиргандай бўлиб, ҳар хил омилларнинг бошқарув объектига таъсири мажмуавий белгилашга имкон беради. Бундай шароитларда ҳар хил

даражадаги менежерлар бошқарувнинг мажмуавий усулларини эгаллаган, танловни тўғри бажариб ва худди ушбу аниқ шароитларда самаралироқ бўлган усулларини қўллади.

Бошқарувнинг ижтимоий-психологик усулларини қўллаш “Stimul biznes” МЧЖда юз бераётган ижтимоий ходисаларни чуқур ўрганишга ва ходимлар кайфиятига таъсир этувчи психологик омилларни билишга, жамоада мақбул психологик ҳолат ташкил этиш йўли билан кишилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Таъкидлаш керакки, “Stimul biznes” МЧЖда бошқарув амалиётида бошқарув усуллари тизими доимо ўзгариб туради. Масалан, маъмурӣ-буйруқбозлик тизими, бошқарувнинг иқтисодий усуллари, бундан ташқари, ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиётни демократлашиши натижасида инсоний омилнинг роли ўсган, шунинг учун ижтимоий-психологик омилларга қўпроқ эътибор қаратилади.

## II боб бўйича хулоса

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамиятининг асосий фаолияти калава ип ва ундан трикотаж полотноси тайёрланади. Калава ип пахта толасини йигиришда юмшатувчи-титувчи, тарайдиган, икки тасмасимонли, хом ипга оид ва ип йигириув ўтишларини қамраб олувчи бир хом ипли тизим бўйича ишланади.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2018 йили ўртacha 15-18 фоизга ошириши режалаштирган. Корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бориши билан қўлланиладиган меҳнатнинг ихтисослашув даражасини ошириш имконияти ортиб боради.

“Stimul biznes” масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотини товар бозорида сотиш учун қуйидагиларни кўра олиши керак:

- маҳсулотнинг келгусидаги бозор потенциали;
- рақобатчиларнинг мавжудлиги ва имкониятлари;
- рақобатчи товарлар билан “курашиш” усуллари.

Корхонада ходимлар фаолиятини ташкил этишда ишлаб чиқариш камчилигини ҳар қандай босқичда бартараф қилиш, ишлаб чиқариш технология жараёнини янги шароитга мослашишини, фонд сифимли ва ихчам ишлаб чиқаришга, тез қабул қилинадиган қарорларга, ишлаб чиқаришда инсон омилиниң улкан ўрнига, маҳсулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга, ишлаб чиқариш майдонларидан яхши фойдаланишга, юқори меҳнат унумдорлиги ва кам харажатли ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиши зарур.

“Stimul biznes” МЧЖ бугунги кунда барқарор ривожланиши учун тўқимачилик полотноси номенклатурасини ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ҳамда сифатини доимо яхшилашлашга эътибор қаратиши, жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва экспортбоп тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш стратегияларини ишлаб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усулларидан фойдаланиш орқали бир томондан, операцион менежмент функцияларини амалга ошириш жараёнини, иккинчи томондан, персонал ишини фаоллаштириш ва унга ижодий, манфаатли ва фаол рух баҳшида этиш мақсадида ходимларга таъсир этиш жараёнини ўзида намоён этувчи бошқарув фаолияти амалга оширилади. Ушбу ўзига хос хусусият менежментда икки хилдаги усулларни қўллашни назарда тутади.

Улардан биринчиси - бу бошқарув фаолиятини амалга ошириш усули, иккинчиси - корхоналар ва улар персоналиниң, шу жумладан ҳар бир алоҳида ходимниң фаолиятига таъсир этиш усулидир. Албатта, операцион менежмент аниқ операциялари ва жараёнлари доирасидаги бошқарув қарорларини қабул қилиш ва ишлаб чиқиш учун устувор аҳамиятга эга, чунки менежерларниң асосий вазифаси ҳар бир бажарадиган иши туридан қатъи назар унинг серунум фаолиятини таъминлашдан, операцион ресурсларини қўлловчи тизимларни бошқаришдан иборат.

### **III боб. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамиятида операцион менежмент усуллари асосида ривожлантириш йўналишлари**

#### **3.1. “Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнларни оптималлаштириш**

“Stimul biznes” маъсулияти чекланган жамияти фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнлар – аниқ мақсадга эришиш учун бирлашган операцияларнинг изчиллигидир. Корхонада ҳар бир операцион жараёнлар қандайдир бошқа операция учун истеъмолчи ҳисобланади, ўз навбатида, ўз истеъмолчиларига эга. Бошқача айтганда, корхона фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнлар айрим ташқи истеъмолчилар учун қиймат яратиш мақсадида ҳамкорликда ишлайдиган истеъмолчи занжири элементларини ўзида мужассамлаштиради.

(12 - расм)



**12- расм. “Stimul biznes” МЧЖда операцион жараёнларнинг  
истеъмол занжири<sup>32</sup>**

“Stimul biznes” МЧЖда бизнес-жараённи бошқариш - бу операцион жараёнларнинг бир - биридан бошқасига, катта жараёнлар учун эса, эҳтимол, бир бўлимдан бошқасига ўтувчи операцион жараёнлар оқимиидир.


Корхонада бизнес - жараёнларни лойихалаштириш/модернизация қилиш – олдин мавжуд бўлганларни ҳисобга олмасдан, бутунлай янги ва янда самаралироқ бизнес - жараёнларни яратишдир. Бу оддий тузилма ичida воситалар ва услубларнинг катта миқдоридан фойдаланади, лекин унинг

<sup>32</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилған

фокуси, аввало, макроташкилий даражадаги операцион жараёнларнинг бирлашувига йўналтирилган.

Вариация ва оғиш нуқтаи назаридан ёндашув бизнес ва унинг операцион жараёнларни реал сифатини етарли даражада тўлиқ ва ишончли баҳолаш имконини беради. Ҳозиргача “Stimul biznes” МЧЖда кўпинча ўртacha кўрсаткичлар бўйича ўз ишларининг натижаларини баҳолайди (буортмаларни бажаришнинг ўртacha вакти, ўртacha харажатлар, циклнинг ўртacha давомийлиги ва бошқалар).

“Stimul biznes” МЧЖда ҳар бир жараён ўзида операциялар занжирини мужассамлаштиради. Бу операцион жараёнлар йигилиб аниқ мақсадга эришишга хизмат қиласди. Операцион жараёнлар умумий қиймат омилларига ва ишлаб чиқарувчанлик/натижавийлик характеристикасига эга. (13 - расм).



**13-расм. “Stimul biznes” МЧЖда операцион жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги<sup>33</sup>.**

“Stimul biznes” МЧЖ ўз операцион жараёнларини қуидаги мақсадларда доимий ўзгартириб боради:


- 1) мижозлар талаби қатъий аниқланади ва бу ахборот доимий равища тузатилиб борилади;
- 2) мижозлар талабларини қондириш жараёнлари ҳужжатлаштирилади, уларнинг самарали фаолият юртиши устидан жавобгарлик, бу эса операцион жараёнларни бошқарувини енгиллаштириш учун тақсимланади;
- 3) операцион жараёнларнинг параметрлари аниқ ўлчанади;

<sup>33</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

4) ўлчовлар асосида раҳбарлар операцион жараёнлар самарадорлигини аниклайдилар;

5) операцион жараёнларни яхшилаш корхона рақобатбардошлигини ошириш учун қўлланилади.

“Stimul biznes” МЧЖда ишлаб чиқариш фаолиятининг тўла тизими, яъни операцион жараёнлар 14 - расмда келтирилган.



#### 14 - расм. “Stimul biznes” МЧЖда операцион жараёнлар тизими<sup>34</sup>

Операцион жараёнлар – иш/операциялар оқимиидир ва уларнинг ўз чегаралари бор – бошқача қилиб айтганда, боши ва охири бор. Ҳар қандай алоҳида олинган жараён учун бу жараёнлар у бошланган нуқтадан бошлаб бошланғич, дастлабки, ва киришларда ўрнатилади. Бу киришлар жараённинг дастлабки воситачилари ёрдамида очилади. Операцион жараён жараённинг дастлабки мижозларига натижани берадиган чиқиш билан тугалланади.

“Stimul biznes” МЧЖ фаолияти самарадорлигини оширишда операцион жараёнларни оптималлаштириш бўйича операцияларни бажаришни Деминг/Шухарта/Исикава цикли бўйича ўtkазиш афзал: “режалаштир, синааб кўр, баҳола ва харакат қил”.

<sup>34</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Режалаштиришга қадам қўйишда нозик жиҳатлар ва ўтказиб юборилган предметларга жорий вазиятлар таҳлил қилинади, таянч муаммолар аниқланади, бу муаммоларнинг ўзак сабаблари ва муаммоларни ечиш йўллари кўрсатилади ҳамда самарали лойиҳа/қарор юритиш режалаштирилади.

Синов вариантини синааб кўришда иш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

“Баҳолаш” босқичида лойиҳадан ўзиб кетиш натижалари ўлчанади ва мақсадли кўрсаткичлар (стратегиялар) билан таққосланади, қийинчиликлар юзага келганида эса, компенсацион тадбирлар қайта ишлаб чиқилади.

“Харакат қил” босқичида эса лойиҳа ўзи кетиш натижалари бўйича тузатишлар киритилади ва жараённинг белгиланган участкасида лойиҳа жорий қилина бошланади, ундан кейин циклнинг биринчи босқичига ўтилади.

“Stimul biznes” МЧЖ фаолиятида операцион жараёнларни яхшилаш икки асосий вариантда ўтказилиши мумкин: Япон “кайзен”ига мос келувчи такомиллаштириш ва муаммоларни жараёнларга оддийгина аралаштиришнигина эмас, эски жараёнга аралаштиришни назарда тутувчи қайта лойиҳалаштириш услуби. Лойиҳалаштириш услубларини операцион жараёнлар имкониятларини бизнеснинг аниқ эҳтиёжлари ва корхона устуворликларига мувофиқ ҳолда кенгайтириш учун “Stimul biznes” МЧЖ спецификасини ҳисобга олиб ижодий қўллаш лозим. Бунда турли хил воситаларнинг катта танлови керак бўлади. Операцион жараёнларни мақбуллаштириш: қонунга кўра, жараёнларни мақбуллаштириш турли вариациялар ҳисобисиз тўрт босқичда амалга оширилади:

1. Маълумотлар йифиши:

- А) қимматликлар яратиш занжирининг (SCM) кўриниши;
- Б) корхона ичидаги операцион жараёнларни қайд қилиш;
- В) операцион жараёнлар аҳамиятини аниқлаш;
- Г) мижозлар билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши;

Д) аниқ-равшанлик даражаси бўйича операцион жараёнларни тавсифлаш.

2. Операцион жараёнларни танлаш:

А) устувор операцион жараёнларни аниқлаш;

Б) операцион жараён эгалари/ мулқдорларини белгилаш.

3. Операцион жараёнларни назорат қилиш ва мақбуллаштириш:

А) раҳбарият томонидан доимий таҳлил ўтказиш;

Б) тузилма ва тизимни мақбуллаштириш.

4. Операцион жараёнларни бошқариш:

А) функционал операцион жараёнлар мониторинги;

Б) такомиллаштиришда эҳтиёжларнинг юзага келиши;

В) ташаббускорлик ва яхшиланишларни бошқариш;

Г) ютуқларни мустаҳкамлаш.

